КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 36 (13.298).
12 ФЕВРАЛЬ 1966 йил
ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.



ФОТОЛАВҲАЛАР

Хоразм область саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг меҳнаткашлари беш йилликнинг дастлабки йилини ишлаб чиқаришда янги муваффақиятлар билан нишонлаш учун курашмоқдалар. Чапдаги суратда Урганч шаҳридаги В. И. Ленин номли тикув фабрикасининг чевари М. Қодировани, юқоридаги суратда Хива шаҳрида яқиндагина фойдаланишга топширилган тикув фабрикасининг илғор ишчиси Н. Каримовани, пастдаги суратда эса областдаги 167-қурилиш трестига қарашли 1-қурилиш бошқармасининг комплекс қурилиш бригадаси бошлиғи Х. Бобожоновни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотолари.

ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАСИ

Педагог — тарбиячилик энг мураккаб, энг қийин, энг масъулиятли, шу билан бирга ғоят шарафли касбдир. Чунки У Коммунистик партия идеологияси, сиёсати ва ахлоқини оммага сингдирувчи, тарғиб этувчидир.

Тарбиячи янги типдаги кишини вояга етказади, ёш авлодда илмий дунёқарашни шакллантиради. Тарбиячи фаолиятининг мазмуни ўсиб келаётган ёш бўғинни коммунистик руҳда тарбиялаш, унга билим бериш, онгли равишда ҳаёт кечиришга, фойдали меҳнатга тайёрлашдир. Педагог — тарбиячи мана шундай юксак ва олижаноб мақсад йўлида ўзининг кучини, ғайратини, билимини аямайди. Тарбиячининг иши энг завқли, жонли ишдир.

Ҳар бир касб шу касб эгаси олдига маълум ҳаётий талабларни қўяди. Педагоглар олдига қўйиладиган талаб эса жуда масъулиятлидир. Чунки ёшларни тарбиялаш, уларга билим беришдан иборат бўлган масъулиятли иш тарбиячининг шахсий намуна кўрсатишига, унинг дунёқараши, эътиқоди, сезгирлиги, меҳнатсеварлиги, хулқ-атвори ва маънавий қиёфасига боғлиқ.

Педагог — тарбиячи учун билим даражаси кенг бўлишининг ўзи кифоя қилмайди. У ўзининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, жамоат ишларидаги фидокорлиги, оилавий ҳаёти, ахлоқ-одоби билан ҳам бошқаларга намуна бўлмоғи даркор. Агар ўқитувчи доимо халқ ҳурматига сазовор бўлишни, ўз ўқувчилари хотирасида азиз инсон сифатида яшашни истаса, у педагогик маҳоратини тинмай ошира бориши, юксак маънавий-ахлоқий сифатлари билан уларнинг ҳурматини қозониши керак. Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ишининг яхшиланиши аввало ҳар бир ўқитувчининг обрў-эътиборига боғлиқ. Фақат обрўли ўқитувчигина ёшларнинг ҳақиқий маънавий раҳбари бўла олади. Албатта бу обрў қўрқитиш, пўписалар эмас, ўқувчига бўлган ишонч, меҳрибонлик, мураббийлик самараси бўлмоғи керак. Ўқитувчининг ҳар бир оғиз сўзи, юриш-туриши, кийиниши ўқувчининг диққат марказида бўлади. Шундай экан, ўқитувчи аҳамиятсиздай кўринган бу нарсаларга бефарқ қарамаслиги керак.

Педагог — совет мактабида ҳал қилувчи куч. У тарбия ишида марказий фигура, бутун педагогик жараённинг юрагидир. Ёш авлод тарбияси, билим олиши, ўқитиш ишининг асосий мундарижаси ўқитувчилар составини билан белгиланади.

Тарбия ишида механика ва технология таъсир кўрсатмайди, бу ерда физика, химия ва агрономия қонуниятларини қўллаш мумкин эмас. Болаларни тарбиялашда инсон табиатининг ғоят нозик, ғоят мураккаб томонлари ҳисобга олиниши керак.

— Мен, — деб айтган эди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофотининг лауреати, боғбон Ризамат ота Мусамуҳамедов, — боғбонликни фақат ўқитувчилик касби билангина тенглаштиришим мумкин. Ўқитувчилик билан боғбонлик чиндан ҳам бир-бирига жуда ўхшайди. Иккаласи ҳам ўз «фарзандларини» вояга етказади: боғбон дарахтларини, ўқитувчи эса ёш авлодни. Фақат ўқитувчининг иши қийинроқ. У ерба сув билан муомала қилмайди, балки болаларнинг юраги ва инсон характери билан тўқнашади. Бу ерда қачон эркалатиш ва эътибор бериш, қачон талабчанлик ва «қайчи ишлатишни» аниқ билиш керак...

Ҳар бир касб тепасида ўқитувчи туради. У бўлмаганда, яхши геологлар ҳам, инженерлар, авиаторлар, қурувчилар, агрономлар ҳам бўлмасди. Ҳар бир партия, хўжалик ходими, ҳар бир совет кишиси ҳозир нақадар юқори лавозимга кўтарилган бўлса ҳам, ўзига илк бор ҳаёт илмини ўргатган меҳрибон мураббийсини ҳурмат билан эсга олади.

Бизнинг социалистик жамиятда ёш авлоднинг ҳақиқий мураббийси сифатида педагог — тарбиячининг янги типи ташкил топди.

Узларининг инсоний фазилатлари, кўп қиррали педагогик фаолиятлари ва ижтимоий ҳаётга актив аралашишлари билан халқ ҳурмати ва эътиборига сазовор бўлган ўқитувчиларимиз билан фахрланамиз. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи деган фахрли унвонга эга бўлган халқ ўқитувчиларидан О. Шарофиддинов, А. Рустамов, П. Шермуҳаммедов, Ҳ. Юсупова, М. Қодирова ва бошқалар шулар жумласидандир.

Самарқанддаги А. Навоий номли 10-ўрта мактаб ўқитувчиси Р. Авезов қарийб 45 йиллик педагоглик фаолиятини ёшлар тарбиясига бағишлади.

Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Р. Авезов ўз ўқувчиларига дарс берар экан, коммунистик жамият кишисининг қандай маънавий сифатларга эга бўлишини ҳамиша эсда тутади. У ўз тарбиясига топширилган шогирдларнинг фақат билимга эмас, балки маънавий маслаҳатга ҳам ташна эканини ҳис этади. У ҳамиша дарсда ўқувчиларга илмий-назарий билим беришда амалий машғулотларга асосланади.

Ўқитувчи ўз касбини севиши, уни беғубор, пок асраши керак. Ўз ўқувчиларига софдил, ҳалол, меҳнатсевар, камтар, олижаноб бўлишни уқтирсаю, ўзи бунга амал қилмаса, бундай ўқитувчининг панд-насиҳатига ким амал қилиши мумкин. Раҳмон Давлатов Термиздаги Мичурин номли 8 йиллик мактабда бошланғич синф ўқитувчиси, пионер вожатий бўлиб ишлайди. Давлатов касал ётган болаларига ғамхўрлик қилиш ўрнига улардан ва хотинидан юз ўгирган, хўрлаган, маиший бузуқлик кўчасига кирган. Шуниси қизиқки, Р. Давлатовнинг акаси, шу Мичурин номли мактабнинг ўқитувчиси Бобо Давлатов аҳволни кўра билатуриб, ўз укасини тартибга чақирмаган. Бундан ҳаволанган Р. Давлатов ғайри қонуний равишда иккинчи хотинга уйланиб олган. Педагог шаънига доғ туширган бу ўқитувчининг кирдикоридан хабардор бўлган мактаб коллективи ҳам томошабин бўлиб қолаверган. Ҳолбуки бу мактаб коллективи, умуман тарбиячилар шаънига тушган оғир жароҳатдир.

Яхши педагог, яхши тарбиячи бўлишнинг ўзгина кифоя қилмайди, тарбиячи ўз фанини ўқитиш усулини назарий ва амалий жиҳатдан мукаммал билиши керак. Бунинг учун ўзи устида мунтазам ишлаши, ўз билимини ошириб бориши, назарий жиҳатдан пухта қуролланиши, билимини амалда қўлланиши керак. КПСС Программасида берилган кўрсатмада айтиладики, ҳозир идеология ишидаги асосий вазифа — бу, барча меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат руҳида, меҳнатга, социалистик ижтимоий хўжаликка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдан, эскича қарашлар ва сарқитларни батамом тугатишдан, халқ маънавий маданиятининг чинакам бойлигини вужудга келтиришдан иборатдир. Партиянинг бу талабини амалга ошириш учун педагог ғоявий жиҳатдан мустаҳкам чиниққан, етук бўлиши керак. Ғоявий жиҳатдан етук педагог бўлиш — бу, марксизм-ленинизм моҳиятини чуқур билиш демакдир. Шу билан бирга принципиаллик, ахлоқий поклик, ростгўйлик, ишда коллективчилик, халққа садоқат билан хизмат қилиш — педагогларнинг муқаддас бурчидир. Совет педагогининг асосий сифатларидан яна бири — бу, жамоатчи бўлиш, халқ манфаати билан яшашдир. Педагог — мамлакатимизда, чет элларда содир бўлаётган янгиликлар ва воқеаларни ўқувчиларга етказувчи, тушунтириб берувчи кишидир.

Коммунистик жамиятнинг билимдон, онгли, актив қурувчиларини тарбиялаш соҳасидаги барча ишларнинг яхши натижалар бериши, шубҳасиз, биринчи навбатда, педагогларнинг фидокорона ижодий меҳнатига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам педагог — тарбиячилар коммунизм даври кишисини тарбиялашда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ғайрат, ташаббус кўрсатиши, ақл-идрок, виждон билан ишлаши керак.

ЯНГИ МАРРАЛАРГА!

Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида партиянинг улуғвор Программасини — мамлакатимизда дунёда энг адолатли коммунистик жамият қуриш вазифасини амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Бутун совет халқи сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) ва сентябрь Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Ўтган йили республикамиз пахтакорлари катта ғалабани қўлга киритдилар. Сув танқислиги туфайли келиб чиққан ғоят оғир шароитда улар мисли кўрилмаган даражада мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга 3900 минг тоннадан ортиқ пахта сотиб, ўз социалистик мажбуриятларини 250 минг тонна ошириб бажардилар.

Саноат ва қурилиш соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришилди.

Пахта тозалаш саноатининг ходимлари партия ташкилотларининг раҳбарлигида 1965 йилда олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажардилар.

Пландан ташқари 52,7 миллион сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан 3,5 процент оширилди. Янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш, пахтани қабул қилиш ва ғарамлаш процессларини механизациялаш соҳасида катта ишлар қилинди.

Ҳозирги кунларда бепоён Ватанимизнинг ҳамма томонларида КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақа яна зўр куч билан кенг қулоч ёйди.

Биз, пахта тозалаш саноатининг ходимлари ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, КПСС XXIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVII съезди шарафига 1966 йилда — беш йилликнинг биринчи йилида зиммамизга қуйидаги социалистик мажбуриятларни оламиз:

— маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини 1966 йил 28 декабрга қадар бажариш ва пландан ташқари 14750 тонна пахта толаси, 950 тонна линт, 350 тонна жут-каноп толаси топшириш;

— меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан 1,0 процент ошириш;

— товар маҳсулотнинг ҳар сўми ҳисобига бўладиган харажатларни 0,08 тийин камайтириш ва маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига 1407 минг сўм маблағ тежаб қолиш;

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИГА ҚАРАШЛИ КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕРЛАРИ, ТЕХНИКЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ 1966 ЙИЛ УЧУН ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

◆ ◆

— Москва ва Ленинград корхоналарининг ташаббуси билан иқтисод қилиш ва тежамлилик учун бошланган умумхалқ ҳаракатини қўллаб, тежалган хом ашё ҳисобига 2650 тонна пахта толаси, 190 тонна линт ишлаб чиқариш;

— 247 минг квадрат метр ўров матоларини, 219 тонна сим, 4105 минг киловатт-соат электр энергияси, 925 тонна хом ашё ва каноп (поя вазнида) тежаш;

— 1966 йилда чигит экиш учун муддатидан илгари — 25 мартга қадар унувчанлиги жиҳатидан биринчи ва иккинчи классга кирувчи юқори сифатли 200 минг тонна уруғлик чигитни тахт қилиб қўйиш.

1965 йилги пахта ҳосилини қайта ишлашни янги пахта тайёрлаш мавсумига қадар тугаллаш мақсадида мавжуд қувватлардан максимал даражада фойдаланишни таъминлаш, шунингдек бу йил қўшимча равишда камида олтита жин батареялари ва тегишли миқдорда линтер батареялари, пресс установкалари ва тозалаш ускуналари, шу жумладан Сирдарё областида 2 та батарея, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР да биттадан батарея ўрнатиш;

— пахтадан тайёрланадиган маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида қуйидагиларни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш: 23 та қуритиш-тозалаш цехи, 7 та тозалаш цехи ва пахта сақланадиган 10 та омбор, 116 та ўн барабанли «ОХБ-10» маркали пахта тозалаш ускуналари, чиқиндилардан тола оладиган 20 та регенератор, 25 та чигит тозалайдиган установка ва 70 та пробоотборщик.

Бунинг ҳисобига, шунингдек барча технологик ускуналардан яхши фойдаланиш ҳисобига накидка ва ифлосланганлик даражаси ГОСТ нормасидан паст ва нормалар доирасида пахта толаси чиқаришни умумий вазннинг 40,8 проценти миқдорида ҳамда умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг камида 45,4 проценти миқдорида линт ишлаб чиқариш;

— 1966 йилда янги техникани жорий қилиш планида кўзда тутилган барча тадбирларнинг муддатидан илгари бажарилишини таъминлаш, шу жумладан: тола тозалагич установкалари бўлган 8 та жин машина, «ПМП-160» маркали 15 та линтер батареялари, қисқа штапелли линт ҳосил қилиш учун 10 та халқасимон линтер ўрнатиш;

— республикадаги пахта заводлари ва тайёрлов пунктларида нам пахта уюб қўйилган ғарамлардан Андижон областидаги пахта заводларининг методи асосида ҳавони сўриб чиқаришни ҳамда технология процессида пахтани Фарғона областидаги заводлар методи асосида қуритишни кенг жорий қилиш;

— пахта ғарамларини бузиш ва уни қоп-қанорсиз ташийдиган транспорт воситаларига ортиш ишларини механизациялаштириш, бунинг учун «РБХ-20» маркали 56 та ғарамбузар машиналардан фойдаланиш;

— меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги ҳолатини яхшилаш мақсадида бу йил 1150 та ташкилий-техникавий тадбирларни бажариш;

— бир йиллик шартли иқтисодий фойдаси 700 минг сўмни ташкил қиладиган 1300 та рационализаторлик таклифларини жорий қилиш;

— экспорт қилинадиган тайёр маҳсулот етказиб бериш йиллик планини 1966 йил 1 декабрга қадар бажариш;

— 6600 квадрат метр турар-жой майдонини ва ҳар бири 90 ўринли 3 та болалар боғчасини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги корхоналарининг ходимлари қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашда социалистик мусобақани яна кенг қизитадилар, коммунистик меҳнат корхоналари, бригадалари, цехлари ва зарбдорларнинг сонини янада зўр матонат билан кўпайтира борадилар.

Биз, Пахта тозалаш саноати министрлигига қарашли корхоналарнинг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари ваъдамизга вафо қиламиз, зиммамизга олган мажбуриятларимизни шараф билан бажарамиз ва бу билан мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш ишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОВУЛИДА

маданият равнақ топмоқда

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

Тўрткўл районидаги Ильич номли колхоз янги қурилишлар ҳаво-залари ичида бурканган. Бу ерда турар-жойлар, дала шийпонлари, маданий-маиший объектлар барпо қилинмоқда. Хўжалик буларни қуриш учун етарли маблағга эга. Ўтган йили колхоз давлатга 1450 гектар ернинг ҳар гектаридан 38,7 центнердан пахта топширди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан колхознинг жамоат кассасига 2550 минг сўм даромад кирди. Бу — 1964 йилдагидан 1200 минг сўм ортиқдир. Колхозчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи қарийб икки баравар ошди ва 103 сўмни ташкил қилди. Колхознинг бўлинмас фонди ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги ошуви билан уларнинг маданияти ҳам юксалмоқда, маънавий ҳаёти мазмундор бўлиб бормоқда. Колхозда 1500 киши сиғадиган клуб, типовой қилиб қурилган иккита болалар боғчаси, кутубхона бор. Пахтакорлар ва чорвадорларнинг уйларига радио, электр келтирилган.

Колхоз правлениеси турар-жойлар ва маданий-маиший объектлар қуришнинг уч йиллик планини тузиб чиқди. Бу план умумий йиғилишда тасдиқланди. Шу йилнинг ўзидаёқ 30 оила ҳовли тўйи ўтказади. Учта дала шийпони, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, фельдшерлик-акушерлик пункти, туғруқхона, болалар яслиси, ёзлик кинотеатр қурилади. Водопровод, шахтали қудуқлар ва йўллар қурилиши бошлаб юборилади. 1968 йилнинг охирига бориб, колхознинг тўртта посёлкасида 100 та коттеж, тўртта кинотеатр, ҳаммомлар, мактаблар ва бошқа иншоотлар қад кўтаради. Олти бригадада типовой дала шийпонлари пайдо бўлади.

Колхозчилар учун ҳамма маиший қулайликлар яратиб берилмоқда. Костюм буюриш, телевизор ёки радиоприёмникни ремонт қилдириш учун район марказига бориб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Колхоз посёлкаларининг ўзида устахоналар қурилмоқда.

Колхозда 5 та қурилиш бригадаси ташкил қилинади, уларнинг ихтиёрига автотранспорт, ер қазиш ва қурилиш техникаси ажратиб берилади. «Узсельхозтехника» бирлашмаси бу бригадаларни қурилиш материаллари билан таъминлаб туради. Колхознинг ҳамма посёлкаларини электрлаштиришда давлат колхозга ёрдам беради.

«Тахтакўпир» совхозида ҳам маданий қурилишни авж олдириш нинг уч йиллик плани тузиб чиқилди. Хўжалик ўзининг иқтисодий имкониятларини чамалаб кўриб, ҳар бир бўлимнинг посёлкасида биттадан клуб, кутубхона, болалар яслиси, медпункт, ҳаммом барпо қилишга, совхозда олтита мактаб, ўттиз учта турар-жой қуришга қарор қилди. 30 гектар ерда мевазор боғ ва токзорлар бунёдга келтирилади. Электрлаштириш, радиолаштириш ва йўл қурилиши учун 2 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратилади.

Бу планларнинг амалга оширилиши хўжаликлар экономикасининг янада ўса боришига боғлиқ бўлади. Ильич номли колхоз ва «Тахтакўпир» совхозининг меҳнаткашлари КПСС XXIII съезди шарафига мусобақани кенг қизитиб, келгуси ҳосил учун мустаҳкам замин яратмоқдалар, чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун курашмоқдалар.

Қорақалпоғистон область партия комитети ва автоном республика Министрлар Совети Тўрткўл районидаги Ильич номли колхоз аъзоларининг ҳамда «Тахтакўпир» совхози коллективининг ташаббусини маъқулладилар. Район партия комитетларига, меҳнаткашлар депутатлари район Советларининг ижроия комитетларига, қишлоқ партия ташкилотларига Қорақалпоғистондаги колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига Ильич номли колхоз ва «Тахтакўпир» совхозининг ташаббусини кенг муҳокама қилишни уюштириш, қишлоқда маданий-маиший қурилишни кенг авж олдиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ—АФҒОНИСТОН ҚЎШМА АХБОРОТИ

Афғонистон Бош министри Муҳаммад Ҳошим Мейвандвал рафиқаси билан Совет ҳукуматининг таклифига биноан, расмий равишда дўстона ташриф буюриб, 1 февралдан 10 февралга қадар СССРда бўлди. Бу сафарда Афғонистоннинг давлат арбоблари ва Афғонистоннинг бошқа расмий кишилари Бош министрга ҳамроҳ бўлдилар.

Бош министр Муҳаммад Ҳошим Мейвандвал Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний, К. Т. Мазуров, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан учрашиб, суҳбатлар ўтказди.

Совет — афғон учрашувлари ва музокаралари, дейилади Совет—Афғонистон қўшма ахборотида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг кўпдан бери характерли хусусияти бўлиб келган дўстлик, самимийлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Бош министр Муҳаммад Ҳошим Мейвандвал ва унинг ҳамроҳлари Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳат қилдилар. Улар ҳамма жойда қизғин ва самимий кутиб олинди.

Москвада бўлиб ўтган музокаралар вақтида совет—афғон дўстона муносабатлари масалалари устида, шунингдек, ҳар иккала томонни қизиқтираётган халқаро проблемалар устида фикрлашиб олинди.

Томонлар чинакам дўстона, яхши қўшничилик характерида бўлган ҳамда совет ва афғон халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушаётган совет—афғон муносабатларининг ҳолатидан ўзларининг мамнун бўлганликларини изҳор қилдилар. Улар дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро ишонч, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик муносабатларини ривожлантира беришга қатъий ният қилиб қўйганликларини яна бир марта айтдилар ҳамда шу муносабатларнинг давом эттирилиши ва мустаҳкамланиши ҳар иккала мамлакатнинг самимий истакларига мос бўлиб тушаётганлигини ҳамда Осиёнинг шу районида ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик манфаатларига хизмат қилаётганлигини таъкидладилар.

Совет Иттифоқининг Афғонистонга ёрдами Афғонистоннинг биринчи ва иккинчи беш йиллик планларини амалга оширишда жуда катта роль ўйнади ва Афғонистоннинг иқтисодий негизини яратишнинг муҳим қисми бўлди, деган муштарак фикр билдирилди.

Томонлар Афғонистоннинг учинчи (1967—1972 йилларга мўлжалланган) беш йиллик планини амалга оширишда шу дўстона, беғараз ёрдамни давом эттиришга Совет Иттифоқининг қарор қилганлиги катта ижобий таъсир кўрсатади, деган фикрни изҳор қилдилар. Улар савдо муносабатларининг боришидан ўзларининг мамнун бўлганликларини билдирдилар ва бу муносабатларни ўзаро манфаатли асосда янада ривожлантириш кераклигини айтдилар.

Совет Иттифоқининг дўстона ёрдами билан Афғонистонда Саланг автомагистрали, ғарбий автомагистраль қурилиб бўлганлиги Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида, шунингдек Совет Иттифоқи билан Осиёнинг жануби ўртасида савдо-сотиқни, юклар ташишни кенгайтиришга ва транспортни ривожлантиришга катта таъсир ўтказади ва фойда етказади.

Афғонистон Бош министри шу райондаги мамлакатлар ўртасида муносабатларни яхшилашнинг ва улар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантиришнинг ўз ҳукумати изчиллик билан ўтказаётган йўлига мувофиқ, катта имкониятларини излаш хусусидаги ўз фикрларини айтиб берди. Совет Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси, Афғонистоннинг қўшилмаслик ва бетарафлик сиёсати, унинг тинчликни ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш сиёсати халқаро кескинликни йўқотишга ва шу райондаги вазиятни яхшилашга катта ҳисса қўшаётганлигини таъкидлади.

Томонлар Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги мавжуд яхши қўшничилик муносабатлари, беғараз дўстлик ва иқтисодий ҳамкорлик турли давлат системасидаги икки мамлакат тинч-тотув яшаётганлигининг энг яхши намунасидир, деган фикрни билдирдилар.

Томонлар энг муҳим халқаро проблемалар устида фикрлашиб олдилар ҳамда тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамламоқ учун ўзларининг ҳормай-толмай куч ва ғайрат сарфлажакларини айтдилар. Улар ўз тақдирини ўзи ҳал қилишдан иборат ўз ҳуқуқларини амалга ошириш учун ва ўз озодликлари учун, ажнабийлар ҳукмронлигига ва турли формадаги мустамлакачиликка қарши кураш олиб бораётган халқлар ва миллатларнинг ҳаракатини тўла равишда қувватлаймиз, дедилар.

Томонлар шу нарсага қатъий аминдирларки чет эл базаларининг тугатилиши ва ядросиз зоналар вужудга келтирилиши ялпи тинчлик ишига, тинчликсевар мамлакатлар ва халқларнинг муддаолари ва истак-орзуларига мос бўлиб тушган бўлур эди.

Томонлар жаҳондаги ҳамма давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави принципларига риоя қилишлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни ялпи хавфсизликни мустаҳкамлаш ва инсоният тараққиёти ишида тағин ҳам самарали роль ўйнаши учун зарур, деб ҳисоблайдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги аъзолари бу ташкилот фаолиятида тобора кўпроқ роль ўйнаётганликлари фойдалидир.

Томонлар ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани тезроқ тузиш зарурлиги тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси XX сессияси қарорларининг катта аҳамияти борлигини таъкидлайдилар. Томонлар, манфаатдор давлатлар битимга келиб, ядро қуролини қўлланишдан, ҳеч бир истисносиз барча ядро синовларини ўтказишдан ўзларини тийиб туриш тўғрисида ўз зиммаларига мажбурият олурлар ҳамда ядро қуролини тақиқлашга ва тугатишга ўзларининг тайёр эканликларини айтурлар, деб умид билдирадилар.

Томонлар Хитой Халқ Республикасини Хитой халқининг бирдан-бир вакили деб. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитой Халқ Республикасининг ҳуқуқлари тикланиши лозим ва у Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ўзининг қонуний ўрнини олиши лозим, деб ҳисоблайдилар.

Вьетнамдаги вазият кескинлашаётганлиги ва Ҳинди-Хитой районида урушнинг кенгайиб кетиш хавфи борлиги, бу эса ялпи тинчликка жиддий таҳдид солаётганлиги муносабати билан томонлар ўзларининг катта ташвиш тортаётганликларини изҳор қиладилар.

Томонлар воқеаларнинг қулай тарзда ривожланиши Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларни яхшилаш имкониятини берганлигидан ўзларининг мамнун бўлганликларини изҳор қиладилар. Афғонистон Бош министри Муҳаммад Ҳошим Мейвандвал Тошкентдаги тарихий конференцияни ташкил этишда Совет Иттифоқи ва унинг раҳбарлари қилган ҳаракатларга юксак баҳо берди ҳамда бу ҳаракатларни шу райондаги ва бутун дунёдаги тинчлик иши учун фойдали, деб ҳисоблайди. Ахборотнинг охирида ишонч билдириб айтиладики, Афғонистон Бош министрининг Совет Иттифоқига қилган сафари ва бўлиб ўтган фикр олишувлар совет—афғон дўстлик муносабатларини янада кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга ҳамда ҳар иккала давлат ва уларнинг халқлари ўртасида ўзаро ишончни ўстиришга ёрдам беражак. Афғонистон Бош министри Л. И. Брежневни, А. Н. Косигинни, Н. В. Подгорнийни ўзлари учун қулай бўлган вақтда дўстлик визити билан Афғонистонга келишга Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ ҳазрат олийлари ва Афғонистон ҳукумати номидан таклиф қилди. Бу таклифлар миннатдорчилик билан қабул қилинди. (ТАСС).

СОВЕТ ЛАБОРАТОРИЯСИ—ОЙДА БИРИНЧИ!

«ЛУНА-9» ЗАФАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

«Луна-9» совет автоматик станцияси белгилаб қўйилган жадвалга мувофиқ Москва вақти билан роппа-роса соат 21-45 минут 30 секундда унутилмас 3 февраль кечқурун Ой юзасига юмшоқ қўнган пайтдан бошлаб бутун дунёни мафтун этган «Ой ҳафтаси» 10 февралда Москвадаги Олимлар уйида совет ва чет эл журналистларининг матбуот конференциясини ўтказиш билан якунланди.

Шу ҳафтанинг ҳар куни инсон заковатининг буюклиги, совет фани ва техникасининг, чинакам мўъжизалар яратаётган халқимизнинг битмас-туганмас ижодий имкониятлари билан ҳаммани ҳайратда қолдирган ва қойил қилган янгидан-янги воқеалар келтириб турди.

Одамлар бевосита Ойнинг ўзида олинган ва унинг манзаралари тасвирланган суратларни кўриб, бизни Ой дунёсининг ҳавосиз совуқ дунёрига олиб чиқиб қўйган каби ҳаммага таъсир қилаётган телевизион эшиттиришларда ҳозир бўлиб, «Қандай қилиб шундай бўлдийкин?» Ой нималарни Москвага маълум қилдийкин?» деб ўзларига саволлар берар эдилар.

Олимлар уйининг зали одамлар билан лиқ тўлган. Жуда кўп фотоаппаратлар чиқиллатиб суратга олмоқда, кино ва телевизион камералар Ой юзасининг матбуот конференциясига тақдим этилган мисли йўқ суратларини акс эттириб турибди...

СССР Фанлар академиясининг президенти академик М. В. Келдиш журналистларга мурожаат қилиб, бундай деди:

Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирилиши Коинотни билишда янги давр очди. Йўлдошларда ва олис масофаларга учирилган космик ракеталарда ўтказилган илмий ўлчашлар Ер атрофидаги фазо тўғрисида, космоснинг Ердан ниҳоят даражада узоқлашган жойларида рўй бераётган жараёнлар тўғрисида кўпгина янги муҳим маълумотларни қўлга киритишимизга ёрдам берди. Йўлдош-кемада одам биринчи марта учиши билан биз космик учишлар даврига қадам қўйдик. Бундан кейинги муҳим босқич планеталараро учишлар ўтказишдан иборат бўлади, дастлаб автоматик аппаратлар илмий асбоблари, сўнгра эса одамларни бошқа самовий жисмларга элтиб қўйди. Булар фанни ривожлантиришдаги, одамнинг Коинотни забт этишидаги энг муҳим қадамлардир.

«Луна-9» станцияси, деди олим бизга энг яқин бўлган самовий жисмга — Ойга етиб бориб, биринчи марта юмшоқ қўнди. Космик станция Ой экватори яқинидаги Бўронлар Океанининг шарқий қисмига қўндирилди. Шундан сўнг уч кун давомида Ой юзасининг фототелевизион тасвирлари ва ҳар хил телеметрик информация Ерга мунтазам равишда юборилиб турди.

«Луна-9» автоматик станциясининг учиши ва Ойга қўниши, деди олим, космонавтикани ривожлантиришдаги жуда катта воқеа бўлди.

Ер юзасидан туриб Ойни кўп йиллардан бери кузатиш, деб давом қилди у. — Ойнинг табиати тўғрисида кўпгина қимматли маълумотлар берди. Оптик телескоплар ёрдамида, физиканинг энг янги муваффақиятларига асосланган асбоблардан фойдаланиб, шунингдек радиотелескоплар ва радиолокаторлар ёрдамида шундай ўлчашлар ўтказилдики, бу ўлчашлар юксак экспериментал маҳорат талаб қилар эди. Бу ўлчашлар Ойнинг катталиги қандайлигини ва унинг Ер атрофидаги йўлини, Ой рельефидаги деталларнинг шаклини ва жойланишини белгилаб олишга, Ой юзасининг иссиқлик режими, Ойдаги тупроқнинг туси, унда ёруғлик ва радиотўлқинларининг тарқалиш қонунлари тўғрисида маълумотлар олишга имкон берди.

Совет лунникларининг учишлари Ойни ва Ой атрофидаги фазони ўрганишда янги саҳифа очиб берди, деди академик.—1959 йилнинг сентябрида «Луна-2» автоматик стнацияси учирилганлиги Ойда сезиларли магнит майдони ва радиация минтақаси йўқлигини олимларга маълум қилди. Орадан бир ой ўтгач «Луна-3» Ойнинг орқа томонини биринчи марта фото суратга олди ва жуда катта илмий қимматга эга бўлган шу суратларни фототелевизион усул билан Ерга юборди. 1965 йилнинг июлида «Зонд-3» автоматик станцияси олиб Ерга юборган фотосуратлар Ойнинг кўринмайдиган томонида сира «оқ доғлар» қолдирмади деса бўлади. 1964—65 йилларда Американинг «Рейнжер» космик аппаратлари учирилганлиги натижасида Ой юзасининг кўриниб турган томонини яхши тасвирловчи фотосуратлар олинди.

Бироқ, Ой юзасининг кимёвий ва минерологик таркиби, Ой зичлигининг ички структураси, сейсмик хусусиятлари қандайлиги фаразлар доирасида қолиб келмоқда. Ер юзасида туриб ўтказилган кузатишларга асосланиб турли тахминлар қилинди: Ой юзасини чанг қоплаб ётибди, у пемза ёки шлак қатламларидан, лава оқимларидан ташкил топган, Ерда бўлмайдиган алоҳида жинсжимадор минерал структураларидан иборат, бу структуралар Ой юзасидаги майда зарраларнинг бир-бирига ёпишиб қўшилишидан ҳосил бўлган, деган тахминлар қилинди.

Космик станция Ойга юмшоқ қўндирилганлиги шу проблемаларни бевосита ўрганиш учун йўл очиб беради, деди М. В. Келдиш.—«Луна-9» автоматик станцияси орқали Ой юзасининг станция атрофидаги участкаларини тасвирловчи суратлар олиниб, Ерга юборилганлигининг ўзи жуда катта илмий аҳамиятга эга. Ой юзасининг бир бўлагини биз биринчи марта бевосита яқиндан туриб кўришга муваффақ бўлдик. Ой юзаси пемза ёки шлак типидаги етарли даражада мустаҳкам жинслардан иборат эканлигини кўриб турибмиз. Ойнинг юзаси, деди олим, станциянинг ботиб кетмаслиги учун кифоя қиларли даражада мустаҳкам экан. Мана шу мисли йўқ фотосуратларни батафсил ўрганиш натижасида бундан буён чиқариладиган хулосалар Ой юзаси тўғрисидаги билимларимизни, ҳеч шубҳасиз, тағин ҳам кўпроқ бойитади.

Автоматик станцияни Ойга юмшоқ қўндириш техникавий жиҳатдан ниҳоят даражада мураккаб вазифа эди. Секундига икки ярим километр чамаси тезликда учиб келаётган космик аппарат ҳаракатини тормозлай оладиган атмосфера Ойда йўқ. Ой юзасининг хоссалари тўғрисида бутунлай маълумот йўқлиги бу вазифани тағин ҳам мураккаблаштирган эди. Ой юзасига станцияни юмшоқ қўндириш учун тез ҳаракат қиладиган ва аниқ бошқарадиган автоматлар мукаммал ўлчов воситалари билан биргаликда ишлатилиши лозим эди.

Бу вазифанинг муваффақиятли амалга оширилишига марҳум академик С. П. Королев кўп талант ва меҳнат сарфлаганлигини қайд қилиб ўтмоқчиман, деди М. В. Келдиш.

«Луна-9» станциясининг учиши, деди пировардида СССР Фанлар академиясининг президенти, Ойни ўрганиш ишида жуда катта имкониятлар очиб берди ва у одамнинг бошқа самовий жисмларга учишини таъминлаш йўлида қўйилган гоят катта қадамдир. Бу учиш — совет олимлари, инженерлари ва ишчиларининг катта муваффақияти, мамлакатимизнинг инсоният тараққиётига қўшган янги жуда зўр ҳиссаси бўлди.

Профессор А. И. Лебединский сўз олади.

«Автоматик космонавт», деди у, Қуёш уфқдан турлича баландликда турган пайтларда ўз атрофидаги жойларни бир неча марта кузатиб чиқди. Шундай қилинганлигининг аҳамияти жуда катта, чунки бу нарса Ой юзасидаги нотекисликларни тадқиқ қилишга имконият беради. Гап шундаки, Қуёш уфқ тепасида кўтарила борган сари Ой ландшафтининг кўриниши тобора кўпроқ ўзгараверади. Биринчи сеанс вақтида олинган суратларда ҳатто Ой заминининг жуда ясси нотекисликлари ҳам сезилиб турибди-ю, лекин сояда қолган кўпгина деталлар суратда кўринмайди. Манзаранинг Қуёш томонидаги шарқий сектори қисми қуёш шуълалари туфайли яхши кўринмай қолган.

Учинчи сеанс вақтида олинган манзаранинг сурати анча яхши бўлиб чиққан, чунки ўша сеанс вақтида Қуёш 27 градус чамаси баландликда бўлганлиги сабабли шуълалар йўқ бўлиб кетган, соялар эса чуқурликларни ва тик ёнли дўнгларни тағин ҳам яхшироқ бўртириб кўрсатади. Қуёш уфқдан турли баландликда турган вақтда олинган суратлардаги манзаралар станция атрофидаги ландшафтнинг, образли қилиб айтганда, макетини ясаш имкониятини беради.

Станциянинг узоқ ишлаши, деди А. И. Лебединский, ундаги энергия ресурсларига боғлиқ эди. Программага кўра, станция учинчи фототелевизион сеанс вақтида Ой манзарасини Ерга бериб бўлганидан кейин, унинг иши тўхтаб қолиши лозим эди. Бироқ, шундан сўнг ҳам электр энергиясининг бирмунча запаси қолди, станция Ойга қўнганидан кейин орадан 75 соат ўтгач, мана шу қолган запас ҳисобига станциядан ахборотлар олишнинг охирги сеанси ўтказилди.

Сўнгра олим матбуот конференцияси қатнашчиларига Ой юзаси бўйлаб ўзига хос экскурсия қилишни таклиф этди. Ойнинг журналистларга тақдим этилган манзарасида станция атрофидаги ландшафт ва аппарат конструкциясининг бир қанча деталлари кўриниб турибди.

Станция деталлари, деди профессор, жуда яттага ўхшаб кўринялти, бунинг сабаби шуки, мазкур деталлар суратга олувчи камера яқинида турибди. Бу камеранинг яқин масофадаги нарсалар суратини олиш кучи қандай эканини тасаввур қилмоқ учун манзаранинг чап қисмидаги фотометрик шкалага назар солиш керак. Бу шкала гугурт қутичасидан катта эмас, унинг суратда кўриниб турган ининнинг қалинлиги 1 миллиметр чамасидадир.

Станция атрофидаги жойда майда дўнгчалар ва чуқурликлар кўп. Менда қолган биринчи таассурот шу бўлдики, Ойнинг юзаси кўп марталаб қайта ишланганга ўхшайди. Унинг тупроғи метеоритлар ёғила бериб майдаланиб кетган, сўнгра диффузион вакуум тарзидаги жинслашиш йўли билан бирлашиб, қаттиқ жисмга айланган ва кун билан тун алмашиниши натижасида, айниқса Қуёш тутилишлари вақтида температуранинг кескин ўзгариб туриши натижасида тарс ёрилиб кета берган. Бу ҳодисаларнинг ҳаммаси бир қанча юз миллион йиллар мобайнида кўп марталаб такрорланган.

«Луна-9» автоматик станциясининг учиши вақтида планеталараро фазодаги ва Ой юзасидаги мавжуд нурланишларнинг дозалари ўлчаб кўрилди. Олинган сигналларни аниқлаш Ой юзасидаги радиация дозаси суткасига 30 миллирраддан иборат эканлигини кўрсатди. Ойнинг ўзи қўшимча радиация бериб турганлиги маълум бўлди, бу радиация космик нурларнинг Ойнинг юза қатламларига таъсири остида рўй бераётган ядро реакциялари натижасида вужудга келаётган бўлиши эҳтимол. Тадқиқотларни давом эттириш Ой заминининг химиявий таркиби сирларини аниқлаб олишимизга ёрдам беради.

Сўнгра академик А. П. Виноградов сўз олди.

Коинот тўғрисидаги фаннинг янги шохобчаси— космик химиянинг вужудга келишида бу олимнинг хизмати жуда катта. У, фаннинг планеталар шаклланиши тўғрисидаги янги маълумотларини айтиб берди.

Ўтказилган экспериментлар билан биз шуни кўрсатиб бердикки, деди академик А. П. Виноградов, Ер қобиғи сингари планеталарнинг ташқи қобиқлари ҳам улар юзасида осон эрийдиган моддаларнинг эриши натижасида ҳосил бўлади. Бундай табақаланиш радиоактив иссиқликнинг қиздириши таъсирида содир бўлади. Бунинг оқибатида планетанинг бирламчи метеорит моддаси парчаланиб, эриши кейин ва эриши осон фазаларга ажралади. Эриши осон фаза базальт модда бўлиб, планетанинг юзасига лава тариқасида оқиб ёйилади. Базальт моддаларнинг эриши билан бир вақтда сув ва нордон тутунларнинг газлари йўқолади, вулқонлар отилиб чиқади. Ой ландшафти сервулқон манзараси ҳам, деди олим, шундай жараён содир бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Олим Ердаги ва Ойдаги турли моддаларни таққослаб кўрсатишга алоҳида тўхталиб ўтди. Масалан, Ердаги кратерларнинг энг катта кундаланг кесими 30 километр. Ойдаги кратерларнинг энг катта кесими—тортиш кучи заифроқ бўлган майдонда ва атмосферанинг йўқлиги шароитида—300 километрга боради. Ойда базальт лава ҳавосиз шароитда оқиб ёйилади. Шу сабабли, унинг газ фазасидан ва сув буғларидан ҳалос бўлиши Ердагига қараганда бирмунча бошқачароқ тарзда рўй берган. Масалан, Ердагига қараганда, Ойдаги лавада газларнинг пуфакчари ва газ чиқаётган жойлар анча катта-роқ бўлган бўлиши мумкин. Худди шунга кўра, газ, сув Ойдан кўтарилиб, космик фазога ўтиб кетган. Вулқондан ҳосил бўлган ва тез учиб кетадиган баъзи моддалар, масалан, Қуёш шамолининг таъсири остида қаттиқ модда — лава билан кимёвий бирикма ҳосил қилган бўлиши мумкин.

Академик «Луна-9» автоматик станциясидан олинган суратларни кўрсатиб, Ойдаги «Денгизлар» районида Ойнинг юзаси қандайлигини таҳлил қилиб берди.

Сиз, деди А. П. Виноградов, озми-кўпми текисроқ бўлган қатлиқ сатҳни кўриб турибсиз, агар уни уфқ чизиғига солиштирсак, бир оз тадир-будирлигини кўрамиз. Биринчи қаранда Ойнинг бу сатҳи баланд тоғлардаги тошлоқ чўлга ўхшаб кўринади. Ойнинг қатлиқ сатҳи рельефининг асосий элементи турли катта-кичикликдаги чуқурчалардан, сўнгра ҳар хил катта-кичикликдаги тош парчаларидан иборат. Бу тош парчалари тупроққа ботмай, юзада ётибди. Ниҳоят, энг диққатга сазовор нарса шуки, Ой денгизидаги жинслар юзасининг микро кўриниши бир хил шаклда.

«Луна-9» станциясидан олинган суратларни атрофлича кўздан кечиргач, дейди олим, базальт лава ёйилиб ётган майдон бизнинг кўз олдимизда гавдаланади. Булар тоғ жинсларининг парчаларидан, пемза, вулқондан ҳосил бўлган шиша ва кулдан ҳосил бўладиган туфлар эмас. Одатда бу моддалар дағалроқ, блокли структурада бўлади. Чуқурчалар бирламчи рельефнинг қолдиқлари, масалан, газ пуфакларидан лавада қолган чуқурчалар бўлиши эҳтимол. Вулқонлар портлаши ёки метеоритлар уриланлиги натижасида, лава совиб қолганидан кейин, Ой сатҳига шу тош жинсларнинг парчалари сочилиб кетган.

Лекин Ойдаги денгиз юзасининг нозик шакли қандай ҳосил бўлган?— деб савол қўяди олим.

Олимнинг фикрича, микрошаклларнинг бир хиллиги Ой денгизлари юзасига таъсир қилиб турувчи мунтазам факторлар борлигини кўрсатади. Бироқ, биз кўриб турган рельеф Ой юзасида турли факторларнинг таъсири остида, масалан, температуранинг Цельсий бўйича 100 градус иссиқдан 150 градус совуққача ўзгариб туриши натижасида, шунингдек микрометеоритларнинг урилиши; Қуёшнинг корпускуляр, рентген ва ультрабинафша нурлари таъсири остида кейинроқ вужудга келган манзара деб фараз қилиш мумкин. Олимнинг фикрича, Ойдаги мана шу ўзига хос жараёнлар оқибатида биз, эҳтимол, ўзимиз учун янги бўлган минералларни учратармиз. Бу жараёнлар Ой денгизларининг ғовак қаттиқ юзаси ҳосил бўлишига олиб келган. Олимнинг айтишига қараганда, шу билан бирга, Ойда бирор чангеимон модда борлиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Тадқиқотларни янада давом эттириш натижасида Ойнинг бутун сатҳи тўғрисида узил-кесил хулосага келиш мумкин бўлади.

Совет астрономларининг оқсоқоли академик А. А. Михайлов минбарга чиқади.

— Инсоният тарихида биринчи бўлиб, дейди олим, ишлаб турган аппаратни Ердан бошқа самовий жисмга элтиб қўйишга муваффақ бўлдик. Автоматик телевизион камера ёрдамида олинган суратларда Ой юзасининг станция атрофидаги радиуси 1,5 километр чамаси бўлган қисмининг энг майда деталлари кўриниб турибди. Шу нарса диққатга сазоворки, бу кичик рельеф Ойнинг Ердан туриб кузатилиши натижасида бизга маълум бўлган ва минг марта кичрайтирилган умумий рельефини эслатади; бу рельефда оддий кратерларга ўхшаш ўралар, жуда кўп ўнқир-чўнқирликлар, бу ўнқир-чўнқирликлар орасида Ойнинг жанубий қутбига яқин тоғлик районни эслатувчи ўрачалар кўп. Ой рельефининг макро ва микро структураси ўртасидаги бундай ўхшашлик, чамамда, Ой юзасида турли нарсаларни вужудга келтирган факторларнинг муштараклигидан далолат беради.

Ойнинг юзаси қандайлиги тўғрисида яқин-яқиларда ҳам кўп баҳсдашилар бўлди. Қалин чанг қатламига ботиб кетмасдан, мустаҳкам заминда турадиган станцияни Ойга қўндириш имкониятини аниқлаш учун бу масала ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Селенологларимизнинг (ойшуносларимиз) кўпчилиги Ойдаги замин ҳатто бир неча юз километрм оғирликдаги юкка бардош бера олади, деб ҳисоблар эдилар. Ойга бағишланиб Ленинградда ва Пулково обсерваториясида бундан 6 йил муқаддам ўтказилган симпозиумда яқинда вафот этган планеташунос йирик мутахассисимиз профессор Всеволод Шаронов сунъий равишда ҳосил қилинган бир парча моддани намойиш қилганлиги эсимда. Бу модда ўзининг фотометрик ва поляризацион хоссалари жиҳатидан Ой юзасидаги моддага мувофиқ эди. Ўша модда қорамтир, ғадир-будир, анчагина енгил тош бўлиб, бир талай босимга парчаланмай бардош бера оладиган етарли равишда маҳкам шлак ёки туф парчасини эслатарди. Шаронов кўрсатган ўша намуна Ойдаги реал моддага анча яқин эканлигини энди билиб турибмиз.

Ойда узоқ вақт ишлайдиган обсерватория ташкил этиш астрономия, геофизика, метеорология, шунингдек геология ва космогония учун жуда катта истиқболлар очиб беришини академик А. А. Михайлов гапириб ўтди. Энди булар реал бўлиб қолди. Ойда туриб космоснинг хилма-хил ва улуғвор ҳамма томонини кузатиш мумкин. Ойнинг ўз ўқи атрофида секин айланиши ва унинг юзасида оғирлик кучининг камлиги, Ойда кундуз кунги температура билан тунги температура орасидаги фарқ жуда катта бўлишига ва кўпгина қийинчиликлар туғилишига қарамай, Ойда обсерватория ташкил этиш ва ундан фойдаланиш учун гоят қулайлик келтиради.

Коинотнинг бепоён ичкарикларига кириб бориш ва унинг кўпгина сирларини очиш йўлида яна бир жуда катта қадам қўйилди. Шу муносабат билан биз, астрономлар француз файласуфи Огюст Контнинг айтган фикрларини кўпинча эсга оламиз. У ўзининг 1830 йилда ёзилган «Позитив фалсафа курси» китобида, самовий жисмларнинг кимёвий таркибини ҳам, бу жисмларнинг қандай минераллардан тузилганлигини ҳам одамлар ҳеч қачон билолмайдилар, деган эди. Спектрал анализ ихтиро қилинганлиги шу тақиқлашларнинг бирини йўққа чиқарди. Энди биз иккинчи тақиқланиш ҳам бузилганлигининг шоҳидлари бўлиб турибмиз: Ойнинг қандай минераллардан таркиб топганлиги ҳозиргина сир бўлмай қолмоқда. Ойдаги тоғ жинсларининг намуналари бизнинг Ердаги лабораторияларимизда тадқиқ қилинадиган вақт яқинлашиб қолганлигига аминман.

Сўнгра олимлар журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

(ТАСС).

● ◆ ●



Суратда: Тошкентдаги химия-фармацевтика заводининг ёш ишчиси Салима Усмонова. Съезд олди мусобақасига қўшилган бу илғор ишчи смена топшириқларини 130 процентга етказиб бажараётир.

И. Глауберзон фотоси.

СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ДАВР ДАЪВАТИ

Сирдарё область коммунистлари ўз конференцияларига катта тайёргарлик билан келишди. Делегатлар қўриқ ер область партия ташкилотининг ўтган ҳисобот даври ичида қўлга киритган ютуқларини кўрсатиш билан бирга ишда йўл қўйилган камчиликларни танқид қилдилар ва бундан кейинги режалар тўғрисида фикрлашиб олдилар.

Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. Маҳмудовнинг ҳисобот докладида партия ташкилотларининг иши анализ қилиб берилди. КПСС Марказий Комитетининг март ва сентябрь Пленумларидан кейин областда партиявий ташкилий, тарбиявий ишлар бирмунча яхшиланди. Бу эса хўжалик ва сиёсий вазифаларни муваффақиятли бажаришда ўз ифодасини топди. Область саноати ўтган йилги топшириқни 104 процент бажарди, 1964 йилдагига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 9 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги анча ошди. Янгиер шаҳар темир-бетон буюмлари заводи, Гулистон ремонт механика заводи ва бошқа бир қатор коллективлар айниқса яхши натижаларга эришдилар. Темир йўлчилар ҳам ортда қолишгани йўқ. Ховос станцияси коллективи уч йилдан буён Ўрта Осиё темир йўли ва Ўзбекистон насаба союзлари советининг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб келяпти. Локомотив депоси Ўрта Осиё магистралида пешқадамдир.

Шунга қарамай ўтган йили 15 корхона топшириқни бажармади, давлат, халқ эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотлар кам тайёрланди. Булар орасида Гулистон пахта тозалаш заводи, Жиззах шаҳар ва Ильич район маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, «Узсельхозтехника»нинг айрим бирлашмалари бор. Жиззах шаҳар ва Еттисой район саноати планни бажармади. Жиззах қурилиш материаллари заводи ишида жиддий камчиликлар мавжуд. Айрим корхоналарда сон орқасидан қувиб, маҳсулот сифатини яхшилашга етарли эътибор берилмаётир. Бундай аҳвол пахта тозалаш корхоналари ишида юз бермоқда.

1965 йилда область қурилиш ташкилотлари ўз ишларини бирмунча яхшиладилар. Аввалги йилдагига нисбатан 15 миллион сўм кўп маблағ ишга солинди. Герман Титов номли совхозда пахта заводи, Янгиерда темир-бетон қувурлар заводи, 6 та қуритиш-тозалаш цехи, 6 минг 96 ўринли мактаб бинолари ва бошқа объектлар фойдаланишга топширилди. «Голодностепстрой», «Мирзачулсовхозстрой» трестлари, «Сантехмонтаж» бошқармаси, Қиров, Еттисой район қурилиш ташкилотлари самарали ишладилар. Бу ютуқларни қўлга киритишда партия ташкилотларининг роли айниқса катта. Коммунистлар сўз билан ҳам, иш билан ҳам оммани ташаббус кўрсатиб ишлашга, халқ хўжалигининг муҳим масалаларини ҳал этишга сафарбар қилмоқдалар.

Қўриқ ер пахтакорлари етти йилликнинг сўнгги маррасини дуруст якунладилар. Давлатга 440 минг тонна, яъни аввалги йилдагига қараганда 30 минг тонна кўп «оқ олтин» топширилди. Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш планлари ҳам тўла бажарилди. Пахтаорол деҳқонлари, коммунистлари меҳнатда юксак намуна кўрсатишди. Улар техникадан моҳирона фойдаланиб, иқтисодий стимулларни яхши ишга солиб, пахта тайёрлаш планини областда биринчи бўлиб бажардилар. Планга қўшимча қарийб 6 минг тонна кўп пахта топширилди. Жиззах, Қиров, Боёвут ва Сирдарё районларининг меҳнаткашлари ҳам пахта етиштиришда яхши намуна кўрсатдилар.

Областда илғор хўжаликлар кўп. Чунончи, Боёвут районидан «Коммунизм», Жиззах районидаги Навоий номли, Жданов номли, Ленин номли ва «Коммунизм» колхозлари гектаридан 30-35 центнердан, ҳатто ундан ҳам ошириб ҳосил олдилар. Пахтаорол районидаги Абай номли, Еттисой районидаги «III Интернационал», «Партия XXII съезди», Сирдарё районидаги Охунбобоев номли, Ленин номли колхозлар, 1-«Боёвут», 3-«Боёвут», «Большевик», «Октябрь 30 йиллиги» совхозлари ҳам дуруст натижаларга эришдилар.

Сирдарёликлар пахтачиликни комплекс механизациялаштиришнинг ташаббускорларидандир. Улар чиндан ҳам ваъдага вафо қилиб, механизациянинг қишлоқ хўжалигида катта йўлга чиқиб олиши учун ҳамма имкониятларни ишга солдилар. Бултур область колхоз ва совхозларида 1300 комплекс механизациялаштирилган бригада ишлади. Уларнинг тажрибаси бошқалар учун мактаб бўлялти. Чунки улар оз меҳнат сарфлаб кўп ҳосил олиш, меҳнатни пухта ташкил қилишда катта натижаларга эришдилар. Чунончи, Жиззах районидаги «Москва» колхозининг Ҳусанбой Қодиров бошлиқ бригадаси областда энг юқори ҳосил — гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» йиғиб олди. «Пахтаорол» совхозидаги Усенбеков бошлиқ бригада 243 гектар майдоннинг гектаридан 39 центнердан ҳосил кўтарди. Ҳар бир ишчи ҳисобига 45 тоннадан пахта етиштирилди.

Бироқ, областнинг ҳамма хўжаликлари ҳақида ҳам шундай ижобий фикрни айтиб бўлмайди. Айрим хўжаликлар экинлардан ниҳоятда паст ҳосил олмоқдалар. «Средазирсовхозстрой» бошқармасига қарашли совхозлар ўтган йили 10 минг тонна, жумладан Ильич райони 5 минг тонна кам пахта берди. «Мирзақўл» совхозида гектаридан атиги 12,8 центнердан ҳосил олинди. Гулистон районидаги Навоий номли ва Калинин номли колхозларда ҳам ҳосилдорлик жуда паст бўлди.

Партия ва ҳукуматимиз Мирзачўлда ирригация тармоқларини кенгайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга катта ёрдам беряпти. Шу мақсадлар учун 42 миллион сўм маблағ ажратилди. Бироқ, ана шу ёрдамдан оқилона фойдаланилмаяпти. Айрим раҳбарларнинг бегамлиги туфайли ўтган йили 4 минг гектар ер қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолди. Бундай аҳвол асосан Боёвут, Пахтаорол, Гулистон ва Еттисой районларида юз беряпти.

Музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар хўжаликка партиявий раҳбарликнинг ҳозирги даражаси ҳақида, кадрларнинг ўқиши, илмий, сиёсий ва иқтисодий билимларни пропаганда қилиш, раҳбарликнинг форма ва методларини такомиллаштиришнинг аҳволи тўғрисида фикр юритдилар. Уларнинг таъкидлашича, партия ташкилотлари омма билан ишлаш, омманинг қалбига йўл топа билиш маҳоратини эгаллаши керак. Тажриба шуни кўрсатдики, партия ташкилоти, ҳамма коммунистлар оммани кайфиятини яхши ҳис қилиб, унинг маслаҳатига қулоқ солиб, ташвишларига шерик бўлиб, жонли ва конкрет иш олиб борганларидагина хўжалик-сиёсий вазифалар муваффақиятли ҳал этиларкан.

Музокарада сўзга чиққан Гулистон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Э. Азизов, Жиззах район партия комитетининг биринчи секретари Ғ. Иброҳимов, «Пахтаорол» совхози партия комитетининг секретари О. Қулбоев, Еттисой районидаги Ленин номли совхоз бригада бошлиги Сиддиқов ва бошқа ўртоқлар юқорида баҳс этилган масалалар ҳақида ўз фикрларини конкрет факт ва мисоллар асосида баён этдилар.

Конференция муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидов** қатнашди ва нутқ сўзлади.

Область партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленум обкомнинг биринчи секретарлигига **Н. Маҳмудов**, иккинчи секретарлигига **П. Н. Сомолов** ва обком секретарлари қилиб **М. Умбетов, И. Усмонхўжаев** ўртоқлари сайланди.

Н. УЛУҒЖОНОВ.

«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбири.

МАҚСАДИМИЗ—ТИНЧЛИК

Пропагандистларга ёрдам

Биринчи жаҳон уруши тугай деб қолган вақтда Ленин бу урушнинг ўзига хос томонларини характерлаб, шундай деб ёзган эди: тарихда биринчи марта техниканинг қудратли ютуқлари шундай кенг миқёсда, шундай вайронгарчилик билан ва миллионлаб инсон ҳаётини оммавий равишда қириб ташлаш учун шундай ғайрат билан қўлланилмоқда. Иккинчи жаҳон уруши янада каттароқ вайрон қилувчи кучни кишиларни қириб ташлашга қаратди. Учинчи жаҳон уруши кишиларни оммавий равишда қириб ташлашнинг энг қудратли қуролига эга бўлади. Жаҳон урушларининг даҳшатли вайрон қилувчи кучи ортиб бормоқда, чунки улар техниканинг энг қудратли ютуқларидан фойдаланмоқда.

Бундай урушларнинг жамият ҳаётига таъсири қандай? Яна Ленининг гапларини эслайлик: урушдан анча йиллар олдин барча мамлакатларнинг социалистлари ўз конгрессларида, илғор мамлакатлар ўртасидаги уруш энг катта жиноят бўлибгина қолмайди, мустамлакаларни бўлиб олиш учун, капиталистларнинг ўлжани бўлиб олишлари учун бошланадиган бу уруш энг янги цивилизация ва маданиятнинг ютуқларидан тўла воз кечиш бўлибгина қолмайди, балки у инсон жамиятининг яшаши учун зарур бўлган шарт-шароитларни бузиб ташлашга сўзсиз равишда олиб келади, деб кўрсатиб ўтдилар ва тантанали равишда эълон қилдилар.

Иккинчи жаҳон уруши халқлар бошига оғир кулфатлар келтирди. Лекин шу билан бир вақтда фашизм устидан қозонилган ғалаба Европа ва Осиёдаги бир қанча мамлакатларда социалистик революциянинг ғалаба қозонишига ёрдам берди. Бу уруш империализмни янада заифлаштирди. Урушдан сўнг империализм мустамлакачилик системасининг парчаланиши тезлашди, Осиё ва Африкада собиқ мустамлакалар ўрнида 50 дан ортиқ мустақил миллий давлат вужудга келди. Аммо мустамлакалар ҳали ҳам сақланиб қолмоқда, масалан Африканинг жанубий қисмида ҳали ҳам мустамлакалар бор. Лекин бу, халқлар, айтайлик Мозамбик ва Ангола халқлари учинчи жаҳон урушисиз ўз миллий мустақиллигига эриша олмайдилар, деган маънони билдирадими? Йўқ. Бу вазифани ана шу мамлакатларнинг халқлари ўз қуролларини билан, бошқа халқларнинг мадади билан жаҳон урушисиз ҳам ҳал қиладилар.

Янги мустамлакачиликка қарши курашмоқ учун ҳам учинчи жаҳон урушининг зарурати йўқ.

Социалистик революция тинчлик вақтида, жаҳон урушисиз ғалабага эриша оладими? Эриша олади. Ахир бунга Кубада социалистик революциянинг ғалабаси исбот бўла олмайдими?

Агар учинчи жаҳон уруши бошланадиган бўлса, бу уруш, сўзсиз, капитализм жамияти яшаши учун зарур бўлган шарт-шароитни жиддий равишда қўпориб ташлайди. Биринчи жаҳон урушининг охирида Ленин шундай якун ясаган эди: Ҳамма ишлаб чиқариш воситаларини бу тарика уруш ишига хизмат қилишга бўйсундириш натижасида олдиндан башорат қилинган аччиқ оқибатларнинг, ёввойилашиб кетиш, очлик ва ҳар қандай ишлаб чиқариш кучларининг тўла тушкунлиги тобора кўпроқ ва кўпрок мамлакатларни қамраб олаётганлигини кўрамиз.

Шуни олдиндан айтиш мумкинки, учинчи жаҳон уруши бошланадиган бўлса, инсон яратган бойликлар бутунлай йўқ бўлиб кетади.

Шунинг учун ҳам Ленин таълимотига содиқ бўлган барча коммунистлар зўр қатъият билан урушга қарши чиқмоқдалар, империалистларнинг урушга тайёргарлик кўришларига қарши чиқмоқдалар.

Лекин баъзи кишилар, биринчи жаҳон урушининг ижобий томонлари ҳам бўлди-ку — у Россияда капиталистлар ва помешчиклар ҳукмронлигини қўпориб ташлади, революцияга ёрдам берди, дейишлари мумкин. Бу тўғри: уруш бошлаган рус капиталистлари ва помешчиклари ана шу уруш оловида куйиб кул бўлдилар. Ленин Энгельснинг Европа уруши «Мисли кўрилмаган ваҳшийлик, ёввойилашиб кетиш ва бутун Европа учун қолоқлик келтиради, шу билан бирга уруш ёки ишчилар синфининг ҳукмронлигига олиб келади, ёки ана шу ҳукмронликни зарурат қилиб қўядиган шароитнинг

ДЕҲҚОНЛАР, СИЗЛАР УЧУН

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

«Ўзбекистон» нашриёти юқори ҳосил етиштириш борасидаги янгиликлар ва тажрибаларни оммалаштириш мақсадида 20 дан ортиқ номда китобчалар нашр этди. Бу китобчаларда деҳончилик маданиятини юксалтириш, янгилик, прогрессив усул, илғорлар тажрибасини кенг ёйишга алоҳида эътибор берилган.

Ҳар гектар ерда белгиланган миқдорда ғўза тупи бўлишини таъминлаш, уни мавсум охиригача тўла сақлаб қолиш пахтадан юқори ҳосил етиштиришнинг муҳим шартидир. А. Васильевнинг «Химия ва чигитни экишга тайёрлаш» китобчасида ана шу ҳақда гап боради.

П. Протасовнинг «Минерал ўғитларнинг тури ва шакллари» китобчасида азотли, фосфорли ва калийли минерал ўғитлар ҳақида гап боради. Бу ўғитларнинг таркиби, фойдалилик даражаси, шакллари ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, мураккаб ва аралаш ўғитлар, микроўғитлар тўғрисида фикр юритилади.

Г. Яровенко, И. Мадраимовларнинг «Пахтачиликда суюқ ўғитларни ишлатиш», Ф. Скрябиннинг «Пахтачиликда гўнг ва компостлардан фойдаланиш», Г. Рудаков ва В. Сергеенко имзоси билан нашр этилган «Пахта майдонларига ўғит солишни механизациялаш», С. Гильдиевнинг «Ғўзани суғоришда химия маҳсулотларидан фойдаланиш» номли китобчаларида кўп, арзон ва юқори сорт пахта етиштириш тажрибалари ҳақида гап боради, илғор тажрибалар умумлаштирилади.

Сабзавот экинлари майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш, бу соҳани тўла механизациялаш шу куннинг бош вазифасидир. Г. Аболинанинг «Сабзавот экинларини ўғитлаш» номли китобчасида ҳар гектар ерга бир тонна минерал ўғит солинганда карамдан 18 тонна, помидордан 12 тонна, бодрингдан 11 тонна, пиёздан 7-8 тонна, сабзидан 12-15 тонна қўшимча ҳосил олингани ишонарли фактлар билан кўрсатилади.

А. Рибаков ва С. Остроуховалар имзоси билан босмадан чиққан «Боғ ва токзорларни ўғитлаш» китобчаси республикамиз колхоз ва совхозларида боғдорчиликни ривожлантириш, кенгайтириш, ўғитлардан самарали фойдаланиш йўли билан ҳосилдорлигини оширишга бағишланган. Авторлар деҳқонларга боғдорчиликда ишлатиладиган ўғит турлари, ўғитлаш муддатлари, ерга солинадиган ўғит миқдори тўғрисида қимматли маслаҳатлар берадилар.

Г. Рижевскийнинг «Ҳар бир далада мўл пахта», К. Мадалиевнинг «Жўшқин булоқлар», А. Рўзиевнинг «Сурхон — Шеробод воҳасида пахтачилик» каби китобчаларида деҳончилик миришкорларининг тажрибалари ҳикоя қилинади. Н. Алексеева, Е. Егоров, М. Риш ўртоқларнинг «Чорвачилик ва химия», «Чорвачиликда микроэлементлар» китобчалари халқ бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилаётган чорвадорларимизга муносиб туҳфадир.

С. ДАВЛАТОВ,
«Ўзбекистон» нашриёти пахтачилик бўлимининг мудири.

С. МУМИНОВ,
бўлим редактори.

Жиззах районидаги «Коммунизм» колхозининг пахтакорлари ва механизаторлари КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг қизитиб, кўклам экишига намунали тайёргарлик кўряптилар. Колхоз устахонасида техникани ремонт қилиш тез суръатлар билан давом эттириляпти. Суратда: илғор слесарь Бобоназар Соипов ремонтдан чиқарилган сеялкаларни кўздан кечирмоқда.

А. Тўраев фотоси.

БЕДАЧИЛИК ВА АЛМАШЛАБ ЭКИШ

Мутахассислар минбари

Қорақалпоғистон Автоном Республикаси иқлим ва ер-сув шароити жиҳатидан беда ўстириш учун жуда катта қулайликларга эга. Бу ерда айниқса беда уруғчилигини ривожлантириш имкониятлари беҳисобдир. Бундан бир неча йил илгари Автоном республика колхоз ва совхозларида беда ва унинг уруғидан юқори ҳосил етиштириларди.

«Хива» нав беда Қорақалпоғистон АССРда ва Ўзбекистондагина эмас, балки Совет Иттифоқида, қолаверса чет элларда ҳам машҳур эди. Энди-чи? Очиғини айтганда, кейинги йилларда Қорақалпоғистон АССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, колхоз ва совхозлар бедага бўлган муносабатларини негадир ўзгартириб юбордилар. Улар тўғри алмашлаб экишга жиддий эътибор бермадилар, беда экини агротехникасида қўпол хатоликларга йўл қўйдилар.

1940 йили беда майдонлари умумий экин майдонларига нисбатан 25,6 процентни ташкил этган бўлса, 1964 йили 4,34 процентни, ўтган йили эса 7 процентни ташкил этди.

Автоном республика хўжаликлари беда экини майдонларини кескин кўпайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш учун жуда катта ишларни амалга оширишлари зарур. Бу йилнинг охирига бориб беда экиладиган майдонлар 20 минг гектарни ташкил этади. Алмашлаб экишда беданинг тутган ўрни бениҳоя катта эканлиги ҳисобга олиниб шундай қилиняпти.

1970 йилга бориб Автоном республикада беда экиладиган майдонлар 45-60 минг гектарга етказилади. Беданинг бошқа экинларга нисбатан тутган ўрни 20-24 процент бўлади, ҳар гектаридан олинадиган ҳосил 70-80 центнерни, уруғлик эса 2-3 центнерни ташкил этади.

Илғор хўжаликларнинг тажрибаси, илмий тадқиқот муассасалари берган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, беда алмашлаб экилганда пахта ҳосилдорлиги гектарига 5 центнер ва ундан ҳам кўпроқ ошади. Кучсиз, тупроғи унумсиз ва ориқ бўлган майдонларда, шунингдек, янги ўзлаштирилган ерларда эса ҳосилдорлик 1,5-2 баравар қўпаяди.

Ихтисослаштирилган айрим хўжаликлар бедачиликни ривожлантиришда айниқса яхши кўрсаткичларга эришдилар. Чунончи, Кегайли районидаги Бердах номли совхоз (директори Есбергенов ва бош агрономи Нурумбетов ўртоқлар) 200 гектар майдондан 650 центнер беда уруғи йиғиштириб олди. Совхозда ҳар гектар ердан пландагидан 1,6 центнер ўрнига 3,15 центнердан беда уруғи олинди.

Республикадаги барча хўжаликлар, ҳамма бедачилик бўлим ва бригадалари шундай кўрсаткичларга эришганда эди, янада кўпроқ беда ва беда уруғи етиштириш, чорва моллар учун мустаҳкам озуқа базаси яратиш, шу йўл билан моллар туёғини кескин кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш имкониятига эга бўлардик.

Афсуски, кўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳали ҳам беданинг аҳамиятига етарли баҳо бермаётирлар. Бунинг оқибатида 1965 йили беда экиш плани бажарилмай қолди. Пландаги 16883 гектар ўрнига 12064 гектар майдонга беда экилди, холос. Хўжайли районида пландаги 3518 гектар ўрнига бор-йўғи 1089 гектарга, Тўрткўл районида 1881 гектар ўрнига 1222 гектарга, Амударё районида 748 гектардан 414 гектарга беда экилди. Жуда кўп хўжаликларда беда ҳосилдорлиги камайиб кетмоқда. Ўтган йили ҳар гектар ердан олинган беда уруғи 1,03 центнерни ташкил этди. Тўрткўл райони колхозларида эса гектаридан атиги 0,7 центнердан беда уруғи олинди.

Амударё районида (район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Жапақов ва бош агрономи Нажимов ўртоқлар) гектаридан 0,7 центнердан беда уруғи топширилди. Райондаги 9 та хўжаликдан 4 таси умуман беда уруғи олмади.

Кўпгина ихтисослаштирилган бригадаларда беда етиштириш агротехникаси қўпол равишда бузилди, бедага ўз вақтида сув ва озуқа бериб борилмади, зараркунандаларга, айниқса фитономусга қарши кескин курашилмади.

Шуни алоҳида уқтириб ўтиш ўринлики, «Ўзсельхозтехника» Қорақалпоғистон Автоном Республикаси бирлашмаси (ўртоқ П. Сеитов) Автоном республика Министрлар Советининг бир қатор таклифларига қарамасдан, беда етиштиришни комплекс механизациялаш учун етарли миқдорда техника ажратмади. Хўжаликлардаги ўзлюрар «СК-4» комбайнларига мосламалар берилмади. Шунинг учун ҳам жуда кўп беда уруғи ерга тўкилиб, нес-нобуд бўлиб кетди.

Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг алмашлаб экишни ўзлаштириш ва хўжаликларда бедачиликни тубдан яхшилаш тўғрисидаги 1965 йил 17 февралда қабул қилган қарори Қорақалпоғистонда ҳам қизғин кутиб олинди. Шу муносабат билан кўпгина жойларда бедачиликни ривожлантириш ишига алоҳида аҳамият берилди. Бироқ, Қорақалпоғистонда давлатга пландан ташқари топширилган беда уруғи учун қўшимча мукофот бериш тўғрисидаги масала ҳамон ҳал этилгани йўқ. Колхоз ва совхозлар 1965 йили пландан ташқари топширган беда уруғи эвазига қўшимча мукофот ололмаётирлар.

Бу йил Автоном республикада алмашлаб экишни жорий этиш ва уни ўзлаштиришга яхши эътибор берилмоқда. 1966 йилда Тўрткўл районидаги 12 хўжаликда, Амударё районидаги 2 хўжаликда ва Кегайли районидаги 1 хўжаликда хўжаликлараро ер тузиш ишлари тугалланади. Республиканинг бошқа районларида бу иш 1967 — 1968 йиллар ичида амалга оширилади.

Хўжаликлари пахта, шоли ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Автоном Республикасида алмашлаб экиш қайси тартибда амалга оширилади? Бу масала ер шароити ва хўжаликларнинг ер-сув шароити ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилади, албатта. Тўрткўл, Беруний, Амударё каби жанубий районларда алмашлаб экишда, даставвал, пахтанинг салмоғи беданикига нисбатан кўпроқ бўлади. Шунингдек, шимолий районларда ва шоликорлик хўжаликларида ҳам алмашлаб экиш шу ерларнинг шароитига мослаштирилади.

Алмашлаб экишни йўлга қўйишда содир бўлаётган камчиликларнинг кўпчилиги оқибатсиз қолдирилмоқда.

Кутубхоналарда китоблар каталоги ташкил қилинмаган. Аччи, Пишағор қишлоқ Советларидаги кутубхоналарда эски ва янги китоблар, газета-журналлар аралаштириб қўйилган. С. Лашкарова турмушга чиқиб кетгандан бўён у мудирлик қилаётган кутубхона ва ўқиш зали бутунлай берилиб кўйилди. Маошни эса шу соҳага мутлақо алоқаси бўлмаган киши канда қилмай олаётир. Ховос қишлоқ Советининг раиси ўртоқ Султонова кутубхона иши билан қизиқмайди, уни чинакам маданият ўчоғига айлантириш чораларини кўрмайди.

2-«Зомин», 76-совхозларда хизмат қилаётган агроном, инженер-техниклар, ўқитувчилар, медицина ходимлари ўз мутахассислигига доир адабиётлар, дарсликлар етишмаслигидан шикоят қиладилар. Бироқ, уларнинг овозига қулоқ соладиган, ҳақли талабини қондирадиган киши топилмаётир. Бу хўжаликлар ҳузуридаги китоб фондлари тўлдириб борилмайди. Янги нашр этилаётган бадиий адабиётларни топиш амри маҳол.

Бошланғич партия ташкилотлари ҳузурида ташкил этилган турли тўгарак ва сиёсий мактабларда коммунистлар, комсомоллар, партиясиз кишилар ўқимоқдалар. Активларнинг бир қисми марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганмоқда. Уларни ўқув ва кўргазмали қуроллар билан таъминлаш, зарур материалларни танлашда ёрдамлашиш маданият ходимларининг жонкюя ишидир. Афсуски, бу муҳим масала муаммолигича қолаётир. Пропагандист, сиёсий докладчи, лектор, агитаторларни зарур адабиётлар билан таъминлашда ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Кутубхона ходимлари лекция ва суҳбатлар ўтказиш йўли билан китобхонларни янги адабиётлар, брошюралар, кўргазмали қуроллар билан таништириб боришлари, янги нашр этилган китобларни маҳаллий матбуот ва радио орқали эълон қилиб туришлари керак. Лекин бу ишга ҳали кўл уриганича йўқ. Маданият бўлими қошидаги автоклубнинг иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Сўнгги вақтларда унинг ходимлари чорвадор ёки галлакорлар орасида бўлиб, кўнгилни хушнуд этадиган бирор тадбир ўтказганини ҳеч ким эслай олмайди.

Район маданият бўлимининг мудири ўртоқ М. Қурбонбоева билан суҳбатлашсангиз, у малакали кутубхоначи кадрлар етишмаслигидан нолийди. Бу сабаб эмас, балки фаолиятсизликни оқлаш учун ўйлаб топилган баҳонадир. Районда ўқимишли, ишнинг кўзини биладиган кадрлар кўп. Жамоатчи инспекторлар кутубхоналар ишини яхшилашга қўлидан келганча ёрдам бериши мумкин. Фақат уларни бир жойга уюштирадиган, тўғри йўл-йўриқ бера оладиган ташкилотчи раҳбар кадр етишмаяпти. Ўшандай кадр топилса маданият даргоҳидаги маданиятсизликни тугатиш мумкин.

М. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

З. МЕНИАХМЕТОВ,
Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган агроном.

БУЮК ШОИР ШАРАФИГА

УРГАНЧ, 10 февраль. (ЎзТАГ). Хоразм жамоатчилигининг неча юзлаб вакиллари Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллигига бағишланган кечада қатнашиш учун Оғаҳий номли область театри биносига келдилар. Филология фанлари доктори Ҳ. Сулаймонов буюк шоир ва мутафаккирнинг ҳаёти в ижоди тўғрисида доклад қилди. Шоирлар ўзларининг лирик шеърларини ўқиб бердилар.

Навоийга ҳайкал

САМАРҚАНД, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий туғилганига 525 йил тўлган куни Самарқанд олий ўқув юртлари студентлари, мактаб ўқувчилари, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари кенг нишонламоқдалар. Жойларда йиғилиш ва митинглар бўлиб ўтди. Ургут районидаги Навоий номли колхоз қишлоғи марказида Навоийга ҳайкал ўрнатилди.

Л. ЭРГАШЕВ.

ТЕХНИКА ШАЙ БЎЛСИН!

РЕСПУБЛИКА ОБЛАСТЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАСИНИ ҚЎКЛАМ ЭКИШИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1966 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛГА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида, биринчи стун областлар, иккинчи стун ремонт қилинган барча маркадаги тракторлар, учинчи стун ҳайдов тракторлари, тўртинчи стун чопиқ тракторлари, бешинчи стун чигит сеялкалари ва олтинчи стун насос қўчланиш агрегатлари).

Тошкент	73,1	84,8	75,4	75,8	41,7
Сирдарё	69,3	75,5	69,5	65,7	45,2
Фарғона	75,7	86,5	73,2	62,8	51,5
Андижон	75,7	86,4	74,8	60,6	45,8
Самарқанд	68,9	72,5	70,5	53,3	42,6
Бухоро	71,0	72,6	73,2	49,4	46,3
Қашқадарё	78,3	80,0	76,6	70,2	52,6
Сурхондарё	72,8	80,6	67,4	46,2	66,6
Хоразм	64,1	66,3	72,5	44,4	69,1
Қорақалпоғистон АССР	55,4	61,4	54,4	24,0	—
Ўзбекистон ССР бўйича	70,8	77,5	71,1	57,3	50,8

□ □

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Қашқадарё, Фарғона, Андижон, Тошкент ва Сурхондарё областларида тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини кўклам экишига тайёрлаш нисбатан тузик бормоқда. Ана шу областларнинг колхоз ва совхозлари, «Ўзсельхозтехника» органлари ремонт ишларини анча тез суръатлар билан давом эттиомоқдалар.

Бироқ, республиканинг кўпчилик областларида бу муҳим иш суст боряпти. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Самарқанд, Сирдарё ва Бухоро областларида техника ремонтини тезлаштириш ва уни тезроқ тугаллаш учун ҳамма имкониятлар мавжудлигига, об-ҳаво шароити ниҳоятда қулайлигига қарамасдан ишнинг унуми паст. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро областларида айниқса чигит сеялкаларининг жуда оз қисми қўлдан чиқарилган.

Ҳамма жойда КПСС XXIII съезди шарафига мусобақани кенг қизитиб, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ремонтини барча чоралар билан тезлаштиришга, ремонтда меҳнат унумдорлигини ва ишнинг сифатини кун сайин оширишга, мавжуд техниканинг ҳаммасини яқин кунлар ичида тахт қилишга эришайлик!

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

ТУРТКЎЛ, («Совет Узбекистони» мухбири). «Партия XXI съезди» колхози чорвадорлари КПСС Марказий Комитети март Пленуми тарихий қарорларини амалга ошира бориб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўлайтиришда катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Колхоз чорвадорлари 56 тонна ўрнига 57,5 тонна сут етиштирдилар ва давлатга сут сотиш бўйича биринчи квартал планини ошириб адо этдилар.

Колхоз чорвадорлари партиямизнинг XXIII съезди очиладиган кунгача сут тайёрлаш ярим йиллик планини бажариш учун меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

МАДАНИЯТ ДАРГОҲИДАГИ МАДАНИЯТСИЗЛИК

Кутубхоначилар зиммасига шарафли вазифалар юкланган. Улар аҳолининг барча табақалари орасида партия ва ҳукумат қарорларини кенг пропаганда қилишлари, меҳнаткашларни китоб, газета, журналлар билан мунтазам таништириб боришлари, билим ва тажриба хазинасига бўлган ихлосини кучайтиришлари, ишчилар, колхозчилар, зиёлиларни коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси қоидалари руҳида тарбиялашда партия ва совет ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари керак. Китобхон ва газетхонларга фан-техника янгиликлари, прогрессив усулларни билиб олиш ва ҳаётга татбиқ этишда кўмаклашишлари зарур. Бунинг учун уларнинг ўзлари чуқур билим ва бой тажрибага эга бўлишлари лозим.

Афсуски, Зомин район маданият бўлимига қарашли кутубхоналарда хизмат қилаётган ходимларнинг кўпчилиги шундай ҳисларга эга эмас. Маданият ўчоқларида етарли билим ва тажрибага эга бўлмаган, шу касбдан бехабар кишилар ишлаяпти. Улар кутубхоначиликни кутубхонани белгиланган вақтда очиб-ёпиш, сўраган кишиларга зарур китобни бериш деб биладилар, холос. Район совхозлари, ташкилот ва муассасаларидаги бирорта кутубхонада марксизм-ленинизм асослари, КПСС тарихи, фалсафа, сиёсий иқтисод, пахтачилик, бадиий адабиёт ва санъат, чорвачилик асослари ва бошқа соҳалар бўйича бўлимлар ташкил қилинмагани, китоб пропагандасининг суст йўлга қўйилиши ҳам шунинг оқибатидир.

Халқимизнинг турмуш фаровонлиги тобора яхшиланяпти, маданияти юксаляпти, маданий муассасаларга бўлган талаби ошяпти. Ҳамма жойда китобхонлар сони кўпайяпти. Улар турли китоблар, газета, журналлар ўқишни, назарий билимларини оширишни, техника ва ишлаб чиқаришни такомиллаштиришни, тараққий эттиришга доир саволларга қониқарли жавоб олишни истайдилар. Бундай шароитда кутубхона ходимлари ҳозиржавоб бўлишлари, илтимосни сўзсиз қондиришлари керак.

Кутубхоналар ишини кўздан кечирган киши маданий хизмат шу куннинг талаби даражасида йўлга қўйилган дея олмайди. «Ховос» совхози территориясидаги 7 кутубхона ва ўқиш залларидан бирортаси ҳам талабга жавоб бермайди. Маданият бўлимининг биқинига жойлашган Зомин қишлоқ Советидаги кутубхона эса ойлаб очилмайди. Китоблар, газета-журналларни чанг босиб ётибди.

Галлакор ва чорвадорларни қишлоқ хўжалик темаларидаги китоблар, брошюралар, кўргазмали қуроллар кўпроқ қизиктиради. Улар бадиий адабиётлар ўқишни яхши кўрадилар. Деҳончилик ва чорвачилик ишларини комплекс механизациялаш, меҳнатни тўғри ташкил қилиш, давлат манфаатлари билан шахсий манфаатни бир-бирига уйғунлаштириб бориш методлари ҳақида кўп нарсаларни биғишни хоҳлайдилар, бу масалада ёрдам кўрсатишларини сўраб кутубхона ходимларига мурожаат қиладилар. Лекин ўшандай талабларнинг кўпчилиги қондирилмаяпти.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ЯНА САЁҲАТГА

ФАРҒОНА. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бултур фарғоналик пахтакор, ишчилардан 200 дан ортиқ киши чет элларга саёҳатга чиқди. Чехословакия, Болгария, Германия Демократик Республикаси, Венгрияни кўриб қайтишди. Ҳатто фарғоналикларнинг қадами Шарқий Африка мамлакатларига ҳам етди.

Бу йил ҳам дунё кезиб, дам олишга аҳд қилганлар оз эмас. Апрель ойида уларнинг яна бир группаси туристик саёҳатга чиқишади. Улар Туркия, Италия, Марокаш, Жазоир, Сенегал, Нигерия ва Ганада бўлишади. Ҳиндистон ва Цейлон бўйлаб бўладиган саёҳатларга қатнашиш хоҳишини билдираётганлар ҳам анчагина.

Биринчи марта бу йил фарғоналиклар учун Европадаги социалистик мамлакатларга яккаш ва оила билан саёҳатлар ташкил этилади. Шунингдек, бу йил Сурия, Ироқ, Франция, Ливан, Куба сингари мамлакатларнинг эътиборга сазовор жойлари билан танишишга хоҳиш билдирган фарғоналиклар сафарга чиқадилар.

ОЛИМПИЯ ОЛДИДАН

Мехикода бўладиган XIX олимпия ўйинлари олдидан ўтказиладиган дастлабки мусобақалар Тошкентда бўлиб ўтди.

— Олимпия ўйинларининг жуда кўп турлари бўйича мусобақалар,—деди Ўзбекистон спорт жамиятлари ва физкультура ташкилотлари союзи Совети раисининг муовини ўртоқ Э. Аминов, — Тошкентда ўтади. Бунга Ўзбекистон физкультурачилари ҳам қатнашадилар.

Июнь ойида Англия, Франция, Швеция, Голландия, Польша, ГФР, Руминия ва СССР спортчиларининг сувга сакраш бўйича халқаро учрашувлари бўлади. Велосипедчи спортчиларнинг халқаро мусобақаси ҳам Тошкентда ўтиши (августда) мўлжаллайган.

1968 йилда ўтказиладиган XIX олимпия ўйинлари мусобақасида Мехикоининг иқлими бизнинг спортчиларимизни анча қийнаб қўйиши мумкин. Яъни иқлим шароити спортчиларимизнинг маҳоратига таъсир қилади. Чунки, Мехико денгиз сатҳидан 2220 метр баландликда туради. Шу муносабат билан бир группа олимларимиз спортчиларимизнинг бу иқлимга мосланиши устида иш олиб бораётирлар.

В. ҲИКМАТОВ.

БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги республикада аҳолига медицина хизматини янада яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳрида электротехника медицина техникуми ташкил этди. Техникумда 300 дан ошиқ ўқувчилар таълим олмоқда.

Х. ИБОДОВ.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

КОММУНИСТ — МАҒРУР ЯНГРАЙДИ

Владимир Ильич Ленин коммунист деган номни юксак ва пок сақлаш, унинг шаънига заррача бўлса ҳам доғ туширмаслик ҳақида васият қилган эди. Партиямиз Марказий Комитети Ильич васиятларига амал қилиб, коммунистнинг обрўсини ошириш, унинг омма орасидаги етакчилик ролини янада юқори кўтариш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қиляпти.

Сирдарё область «Сирдарё ҳақиқати» газетаси 1918 йилдан КПСС аъзоси, Ховос темир йўл станцияси касалхонасининг бош врачи А. Н. Ковалеванинг коммунист обрўси ҳақидаги мазмунли мақолаисини босиб чиқарди. Мақолада партия ташкилотларининг ёш коммунистларни камчиликларга муросасиз бўлиш руҳида тарбиялаш соҳасидаги вазифаларига оид бир қатор яхши мулоҳазалар билдирилган. Газета бу гоят актуал мавзуда гап юритиб, тўғри иш қилган.

вужудга келишига олиб келади» деган сўзларини эслаган эди. Шу билан бирга Ленин агар тарих шу йўлдан борадиган бўлса, у ҳолда «бу йўл капитализмнинг барбод бўлишига, социализмнинг кенгайишига, янада уқубатли, янада оғир ўтиш даврига, барча ишлаб чиқарувчи кучларга путур етказувчи ўта қашшоқлик ва жуда оғир кризисга олиб келадики, буни тасаввур қилиш ҳам қийин» деб таъкидлаган эди. 1917 йилда тарих ана шу оғир йўлдан борди. Россияда янги жамиятни қуриш нимадан бошланганлигини бир эслаб кўринг. Большевиклар олдида энг оддий ва шу билан бирга энг мураккаб вазифа — очарчиликни енгиш вазифаси турарди...

Ҳозир биз шуни биламизки, тарих машаққатли учинчи жаҳон уруши йўлига бурилаётган бўлса, ҳалқлар урушларни келтириб чиқарадиган тузумни йўқ қилиб ташлайдилар. Коммунистик ва ишчи партияларнинг 1960 йилги Баёнотида бундай дейилади: «Ақлдан озган империалистлар уруш бошлайдиган бўлсалар, ҳалқлар капитализмни супуриб ва кўмиб юборадилар». Аммо халқлар янги ҳаётни инсон жамиятининг энг элементар вазифаларини ҳал этишдан, очлик, қашшоқлик ва оғир касалликларга қарши курашдан бошлашга мажбур бўладилар. Шу сабабли коммунистлар тарих нақ шу соннят учун машаққатли йўлга — учинчи жаҳон уруши йўлига бурилишига қарши бутун куч ва гайратларини сарфлаб кураш олиб бормоқдалар. Коммунистлар олиб бораётган курашнинг буюк тарихий ҳақиқат эканлигини тушунишни истамаётганлар Ленин таълимотидан четлашмоқдалар, меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилишдан узоқлашмоқдалар.

Бу деган гап Ленин байроғига содиқ бўлган коммунистлар ҳар қандай қуролли курашга, ҳалқларнинг қўлга қурол олиб босқинчиларга, империалистларга, мустамлакачиларга қарши олиб бораётган курашига қарши чиқмоқдалар, деган маънони билдирадими? Мутлақо бундай маънони билдирмайди. Бундай деб ўйлаш турлича бўлган икки масалани онгли равишда чалкаштириб юборишдир.

Ҳозир барча коммунистларни АҚШдан келган босқинчиларга қарши кураш олиб бораётган Вьетнам халқига ёрдам кўрсатиш умумий вазифаси бирлаштириб турибди. Империалистлар халқларни қўлга қурол олишга мажбур қилмоқдалар. Бу эса халқларнинг муқаддас ҳуқуқидир. XVIII асрдаёқ ана шу ҳуқуқни тан олиш масаласида сиёсий арбоблар икки лагерга ажралган эдилар. Америка Қўшма Штатларининг асосчиларидан бири бўлган Жефферсон каби прогрессив арбоблар халқларнинг суверенитетини, уларнинг қўлга қурол олиб золимларни агдариб ташлаш, ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқларига эга эканликларини тан олганлар. Австрия канцлери Меттерних бошчилигидаги реакционерларнинг кичик бир тўдаси халқларнинг ана шу муқаддас ҳуқуқларини рад этди. Халқларнинг ана шу ҳуқуқига қарши реакционерлар «муқаддас иттифоқ» туздилар.

Прогрессив традицияларни давом эттираётган коммунистлар «муқаддас иттифоқ»нинг ҳозирги борисларига қарши чиқмоқдалар. Коммунистлар ўз мустақиллиги, ўз сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий тузуми масалаларини ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқи учун курашаётган халқларга ёрдам кўрсатиш тарафдорларидирлар Коммунистлар ўзларининг ана шу эътиқодларини амалга оширмоқдалар.

Совет коммунистларини олиб кўрайлик. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитетнинг сентябрь Пленумида шундай деган эди: «Биз вьетнамлик ўртоқларимизга катта ёрдам кўрсатдик ва кўрсатмоқдамиз. Биз Вьетнам Демократик Республикасига анча миқдорда қуроллар ва ҳарбий анжомлар етказиб бердик». КПСС ана шу йўл билан ўзининг интернационал бурчини адо этмоқда, Вьетнам меҳнаткашларининг ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Октябрь революциясининг 48 йиллиги кунида Бош министр Фам Ван Донг Вьетнам халқи билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликни таъкидлаб, Вьетнам халқи француз империалистик агрессорларига қарши олиб борган урушда Совет Иттифоқи кўрсатган мададни, уруш натижасида вайрон бўлган мамлакат экономикасини тиклашда ҳамда Шимолий Вьетнамда социалистик қурилиш ишида СССР кўрсатган ёрдамни, шунингдек Америка империалистларига қарши, миллий мустақилликни сақлаб қолиш учун ҳозирги курашда СССР кўрсатаётган ёрдамни эслатиб ўтди. Фам Ван Донг ўз сўзининг охирида шундай деди: «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, ҳукуматига ва халқига бутун Вьетнам халқининг самимий миннатдорчилигини изҳор этишга рухсат бергайсиз». («Нян Зан» газетаси, 1965 йил 8 ноябрь, «Информацион бюллетень», Прага, № 32). Жаҳон коммунистик ҳаракати турли отрядларининг ҳаракат бирлиги ана шу тариқа вужудга келмоқда. Бу ҳаракатлар бирлиги ҳозирги замондаги сиёсий ҳаётнинг муҳим факторидир. Ҳаракатлар бирлиги — империалистларнинг қуролли интервенциясига қарши, уларнинг агрессиясига қарши, империалистларнинг янги жаҳон урушига тайёрланишларига қарши халқлар курашининг сўзсиз шартидир. Шу сабабли Ленин байроғига содиқ бўлган коммунистлар ҳаракатлар бирлигини ўзларининг энг муҳим ва актуал вазифаси деб ҳисобламоқдалар.

Академик Ю. ФРАНЦЕВ.
(АПН).

БУХОРО ОБИДАЛАРИ

Бухорони ва шаҳарнинг атрофларини кезган киши ўтмишда қурилган ва ҳозир бунёд этилаётган ажойиб биноларни кўриб лол қолади.

Ўнлаб ва юзлаб яхши ниятли кишилар, Европа, Осиё ва Африканинг атоқли сиёсий ва давлат арбоблари, жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган сайёҳлар Бухоронинг меҳмонлари бўлишяпти.

Халқ донишмандлиги, халқ рассомлари заковати, халқ моддий турмуши ва маданияти ўз аксини топган бу обидалар ҳақиқатан ҳам ҳамманинг диққатини ўзига тортмай қолмайди.

Қадимий Бухоро шаҳри кейинги йилларда кенгайиб кетди, янгидан-янги уй-жой бинолари қад кўтарди. Шаҳарда олиб борилаётган қурилишларнинг янги манзараси ҳозирнинг ўзидаёқ кўзга яққол ташланиб турибди. Янги қурилган бинолар бу ердаги турмуш асосларини тубдан ўзгартириб юборган бўлса ҳам, меъморчилик ёдгорликлари ўтган асрлардан из қолдирган хотирадир. Бу ёдгорликлар давлат томонидан муҳофаза қилинади. Ҳозирги вақтда қадимий меъморчилик ёдгорликлари янгидан яшаряпти. Архитектура ёдгорликларининг ёнида ҳавозалар қад кўтарган ва уларда реставраторлар қунт билан ишлашяпти. Улар ўтмишдаги номаълум усталар бунёд этган ажойиб обидаларнинг бир вақтлардаги ташқи безакларини тиклаш билан банд.

Бухорода неча ўнлаб диққатга сазовор ёдгорликлар бор. Бироқ, ҳозирча улардан бир нечаси тикланяпти.

Бухородаги қадимий меъморчиликнинг ажойиб намуналари орасида Исмоил Сомоний мақбараси айниқса диққатга сазовордир. Бу мақбара X асрнинг бошларида қурилган. Мақбара кубик шаклда қурилган бўлиб, томи гумбаз. У пишиқ ғиштдан қурилган ва ташқи жиҳатдан нақшлар билан безатилган. Бошоқ шаклида солинган нақшлар, шунингдек, ғиштнинг баъзи бир жойлардаги терими ёдгорликка ташқи жиҳатдан жуда бой ҳусн бағишлаган.

Бухоронинг марказий қисми бир қанча архитектура ёдгорликларидан иборат ғоят катта музейни ташкил этади. Бу ёдгорликлар орасида Калон ансамбли энг муҳташам бинолардан бири бўлиб, уни кўкка бўй чўзган минора ажратиб туради.

XII асрда қурилган минорали Масчити Калон бутун бир кварталии ишғол этади. Бу масчит асосан пештоқ ва гумбазли қилиб қурилган. Масчитнинг катта ҳовлиси бор. Бинонинг арк ва гумбазлари ана шу ҳовлига чиқади. Масчитнинг ички биноси мозаика билан ишланган. Мири Араб мадрасаси Масчити Калон билан рўпарў қурилган. У ўзининг асосий композицияси жиҳатидан ўша даврдаги бошқа мадрасаларга кўп жиҳатдан умуман ўхшаб кетади. Бу ерда унинг ўймакорлик мозаикаси билан жуда бой ва ўзига хос йўсинда безатилганлиги ташқи кўриниши жиҳатдан диққатни ўзига алоҳида жалб этади.

Бухорода ҳозир шу нарса айниқса кўзга яққол ташланадики, янги қурилишлар билан бирга, халқ усталари ўтмишдаги энг диққатга сазовор ёдгорликларни зеҳн билан тиклаб бормоқдалар. Атоқли халқ устаси — академик уста Ширин Муродов бу ерда катта ишлар қилди.

Уста умрининг кейинги йилларида ташқи нақш бериш ва сталактит соҳасидаги кўп йиллик амалий тажрибасини жадваллар қуришнинг янги қонунларини яратиш билан бойитди. Уста Ширин Муродов амалий санъат усталари ва тажрибали реставраторларнинг бутун бир авлодини тарбиялаб етиштирди. Улар ҳозир устозлари бошлаган ишни муваффақиятли давом эттиришяпти.

Уста Ширин Муродов тарбиялаган ва унга шогирд тушган машҳур реставратор Амин Саломов бригадаси Бухородаги кўпгина обидаларнинг архитектура ва ташқи кўринишини дастлабки қиёфасига келтириш устида жуда кўп меҳнат сарфлади.

Кўкалдош мадрасаси тикланяпти. Бу мадраса ўзининг бадиий безакларидан ташқари, яна шу билан диққатга сазоворки бу ерда совет тожик адабиётининг асосчиси Садриддин Айний бир вақтлар яшаган ва ўқиган эди. Калон ансамблида ҳам реставрация ишлари олиб борилияпти. Бу ерда Очил Бобомуродов бригадаси меҳнат қилмоқда. Очил Бобомуродов айни бир вақтда уста Ширин Муродов шогирдининг шогирдларидан.

Ёш реставраторлар ўзлари эришган муваффақиятлари билан қаноатланиб қолаётганлари йўқ. Улар кекса усталар маҳорати сир-асрорининг поёнига етибгина қолмасдан, балки шу билан бирга, бу ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга интилаётирлар.

Архитектура обидалари халқ усталарининг моҳир қўли билан яшаряпти.

О. АПУХТИН.

Оламда НИМА ГАП

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ АМАЛДА

МАҚСАД—МУНОСАБАТЛАРНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ

КАРОЧИ. (ТАСС). Тошкент Декларациясининг мақсади — Ҳиндистон ва Покистон халқлари ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини нормаллаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беришдир, деди Бахавалпур райони комиссари Яздоний Малик ўқитувчилар, журналистлар ва юристларнинг бу ердаги журналистлар клубида ўтказилган йиғилишида сўзга чиқиб.

Тошкент Декларацияси, деб давом этди Яздоний Малик, Ҳиндистон билан бўлган низоларни Покистон тинч ва дўстона йўл билан бартараф қилишга интилаётганидан далолат беради.

АЛОҚА ТИКЛАНДИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон—Покистон қуролли можароси вақтида Амрицарь билан Лоҳур ўртасидаги узилиб қолган телефон алоқаси Тошкент Декларациясининг қарорларига мувофиқ қайтадан тикланди.

Калькутта билан Шарқий Покистон ўртасидаги телефон ва телеграф алоқаси тузатилиб, ишлатиш учун тахт қилиб қўйилди.

Ҳиндистон ва Покистон самолётлари ҳар иккала мамлакат территорияси устида белгилаб қўйилган ҳаво йўлида ўнинчи февралдан бошлаб яна қатнай бошлайди, деб эълон қилинди.

(ТАСС).

Жанубий Вьетнамнинг озод қилинган районларидан бири. Суратда: Озодлик армияси жангчилари учун гранаталар тайёрлайдиган устахона.

ТАСС фотохроникаси.

● ● ●

Қўғирчоқларга ёрдам

ТОКИО, 10. февраль. (ТАСС). Япония ҳукумати сайгонлик қўғирчоқларга 72 миллион иена миқдорида ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Яқинда Японияда бўлган АҚШ вице-президенти Хэмфри ана шундай ёрдам кўрсатишни талаб қилган эди.

Матбуотнинг хабарларига кўра, Япония ҳукумати шунингдек Жанубий Вьетнамга ёрдам кўрсатиш учун 1966 йилги бюджетдан яна 200 миллион иена ажратишни планлаштирмоқда.

М. Ҳ. МЕЙВАНДВАЛ ВАТАНИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КОБУЛ, 10 февраль. (ТАСС). Афғонистон Бош министри Муҳаммад Ҳошим Мейвандвал бугун эрталаб ватанига қайтиб келди. У Совет ҳукуматининг таклифига биноан, расмий визит билан Совет Иттифоқида бўлган эди.

Фитна қатнашчилари

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО, 10 февраль. (ТАСС). «Ултима ора» газетаси Қўшма Штатларнинг Бразилиядаги собиқ элчиси Гордон президент Жоао Гулартни ағдаришда қатнашганлигини фош қилмоқда. Газетанинг ёзишига қараганда, АҚШ конгресси сенатининг ташқи ишлар комиссиясида Гордон сўзга чиқиб, Жоао Гуларт ҳукуматини ағдаришда Бразилия ҳарбийлари билан ҳамкорлик қилдим, деган. «Бошқача қилиб айтганда,— деб ёзади газета,— элчи Бразилиянинг қонуний ҳукуматига қарши фитнани ўзи ташкил қилганлигига иқрор бўлди».

Гордоннинг айтган гаплари, деб ёзади газета, бу масаланинг икки асосий жиҳатини очиб берди: «Биринчидан, унинг бу гаплари Америка ҳукумати Бразилиянинг ички ишларига аралашганлигини кўрсатиб турибди. Иккинчидан, бу гаплар апрель революцияси деб аталган воқеа миллий ҳаракат эди, деб Бразилия томонидан эълон қилинган расмий даъвони фош қилиб ташлади».

Гордоннинг иқрор бўлиб айтган гапларига асосланиб, деб ёзади «Ултима ора» газетаси, давлат тўнтариши ва ундан кейинги давр тарихи янгидан қайта кўриб чиқилиши лозим. Илгари шунчаки қилинган тахминни ҳозир Қўшма Штатлар конгрессининг протоколларида сақланаётган расмий ҳужжат исботлаб бермоқда.

ҲИНДИСТОН МИЛЛИЙ КОНГРЕССИ ПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ

ЖАЙПУР, 10 февраль. (ТАСС махсус мухбири). Ҳиндистон Миллий конгресси партиясининг раиси К. Камараджи бугун Жайпурда Ҳиндистон ҳукмрон партияси 70-съездининг иши бошланганидан хабар бериб, уч хил рангли байроқни кўтарди.

Съезд очилиши муносабати билан сўзлаган қисқача нутқида Камараджи партиянинг куч-ҳаракати иқтисодий тараққиётга эришишга ва ҳинд халқининг миллий фаровонлигини оширишга қаратилганлиги устида тўхталиб ўтди.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва миллий ресурслардан тўла-тўкис фойдаланиш, деб таъкидлади у, Ҳиндистонга «янги социалистик тартиб» ўрнатиш имконини беради.

3,5 миллион саводсиз

НЬЮ-ЙОРК, 9 февраль. (ТАСС). Бугун «Вашингтон пост» газетасида қуйидаги маълумотлар берилган: уч ярим миллиондан кўпроқ америкалик бутунлай саводсиздир. 19,5 миллион америкалик фақат тўлиқсиз ўрта маълумотга эгадир.

ЙЎҚОЛГАН БОМБА

АҚШнинг ғарбий соҳилидан шарқий соҳилигача вагонлар қатор териб қўйилган бўлсаю, бу вагонларга тринитротолуол ортилган бўлса, унинг ҳаммаси бирданига портлаб кетса, бу портлашнинг кучи қанча бўлади?

Испанияликлар худди шу масалани ҳал қилмоқчи бўлиб қўлларига қалам олишди. Нега энди испанияликлар портлашнинг кучини ҳисоблашга киришиб кетдилар? Бунинг сабаби шундаки, яқинда АҚШ сенатида 20 мегатонналик ядро бомбасининг портлаш кучи юқоридаги миқдордаги тринитротолуолнинг портлашига баравардир, деб айтишди. Шу йилнинг 17 январида эса Испанияда АҚШ ана шундай бомбаларни йўқотиб қўйди.

Уша куни Американинг «Б-52» бомбардимончи самолёти «КС-135» заправкачи самолёти билан тўқнашиб кетди. Натижада 4 та ядро бомбаси Испаниянинг жанубий районида Альмерия яқинида соҳилга яқин жойга тушди. Бу бомбаларнинг биттаси ҳали ҳам топилгани йўқ.

Гувоҳларнинг айтишича, самолётлар тўқнашиб кетган вақтда кучли портлаш бўлган, лекин испанияликларнинг бахтига, бомбардимончи самолётдаги ядро бомбаси эмас, балки 40 тонна авиация ёнилғиси портлаб кетган.

Айтишларича, «Б-52» самолётининг командири парашютда ўзини ташлашдан олдин бомба портлашининг олдини оладиган мосламани ишга солишга улгурган эмиш. Америка матбуоти халқаро жамоатчиликни хотиржам қилишга уриниб, самолёт бортидаги ядро бомбаси портловчи модда билан «тўлдирилмаган» эди, деб ишонтиришга уринмоқда. Лекин воқеалар бунинг аксини кўрсатиб турибди. Англияда чиқадиган «Дейли экспресс» ва «Дейли телеграф» газеталарининг мухбирлари Испаниядан хабар қилишича, 17 январдаги ҳалокат вақтида йўқолган 4 та ядро бомбасидан бирининг тротил детонатори портлаб кетган. Бунинг оқибатида бомба ёрилиб, радиоактив альфа нурлари тарқатмоқда.

ЮПИ агентлигининг берган хабарига кўра, радиоактив зарарланишдан хавфсираб ана шу районда етиштирилаётган помидор ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига солинган карантин деҳқонларга бир миллион долларлик зарар келтирди. Балиқчиларнинг балиқ овлаш учун денгизга чиқиши тақиқлаб қўйилди. Балиқ ови билан тирикчилик қилаётган минглаб кишиларнинг аҳволи оғирлашганини айтмайсизми.

Балиқ ови тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки бу ерда бомба ови кетмоқда. Америка 6-флотининг йигирмага яқин кемаси Испания қирғоқлари яқинида сузиб юрибди. Пентагон бу кемаларга мухбирларнинг чиқишини ҳам тақиқлаб қўйган.

Бомбани қидириб топиш учун «С-141» самолётида АҚШдан махсус сув ости кемаси олиб келинди.

Қўшма Штатларнинг Испаниядаги элчиси ҳалокатга учраган «Б-52» самолётининг 67 парчаси топилганлигини айтган. У қидирув ишлари олиб борилаётган районга бориб келгандан сўнг самолёт парчаларини қидириш «бир ойгача давом этиши мумкин» деб айтди.

Элчи жамоатчиликни чалғитишни кўзлаб шундай деди: «Шахсан ўзим фалокат юз берган жойга бориб, бу фалокат аҳолининг соғлиғига ҳеч қандай хавф солмаётганлигига қаноат ҳосил қилдим... Ҳалигача радиоактив зарарланишнинг заррача ҳам белгиси аниқланган эмас» деди.

Лекин Испания жамоат арбоблари, олимлари, аҳолининг турли табақалари вакилларидан 6 минг кишининг яқиндаги баёнотида келтирилган далиллар элчининг гаплари бутунлай ёлғон эканлигини кўрсатиб турибди. Жамоат арбоблари мингдан ортиқ киши радиоактив нурлар билан зарарланганлигини айтдилар. Ҳа, у вақтда тротил детонатор портламаган эди. Эндилинда бу хавф янада кучайди.

«Б-52» самолётининг ҳалокати ядро бомбаси ортиб учиб юрган Америка бомбардимончи самолётлари халқлар хавфсизлиги учун нақадар жиддий таҳдид солаётганлигини яна бир бор кўрсатди. Ахир бу — самолётнинг биринчи марта ҳалокатга учраши эмас. Америка расмий маълумотларига қараганда, Испаниядаги ҳалокат ўн учинчи ҳалокат эди. Бундай ҳалокатлар шу вақтга қадар Қўшма Штатлар территориясида юз берган эди. Эндиликда Испанияда юз берди. Эртага эса Ғарбий Европадаги ва бошқа районлардаги Америка самолётлари учиб юрган жойларда юз бериши мумкин.

«Америка ҳарбийларининг жинояткорона сиёсати испан халқининг ҳаётинигина эмас, балки умумий тинчликни ҳам хавф остида қолдирди»,— деб ёзди Чилида чиқадиган «Сигло» газетаси. Шу кунларда барча қитъаларда чиқаётган газеталарда ана шундай фикрларни ўқиш мумкин.

Америка ҳарбийларининг иғвоғарлик ҳаракатларидан ғазабланган испан халқи намойишлар ўтказмоқда. Бу намойишларда студентлар, ишчилар, деҳқонлар, хотин-қизлар, интеллигенция иштирок қилмоқда. Халқ ғазаби шунчаликка бориб етдики, АҚШга итоатгўй бўлган Испания ҳукумати ядро қуроли ортган Америка самолётларининг Испания территорияси устида учиб юришини тақиқлаб қўйди. Аммо шундай бир савол туғилади: Испания устида учиб юрган Америка самолётида ядро қуроли бор-йўқлигини испан ҳукумати қандай текширади?

Шунга қарамай, Испания ҳукуматининг бу қарори Америка ҳарбий авиациясини ўз мамлакатлари территорияси устида учиб юришига рухсат бериб қўйган ҳукуматларга сабоқ бўлиши керак. Испания Компартиясининг Мадрид комитети 1 февралда мадридликларга мурожаат эълон қилди. Мурожаатда, жумладан, шундай дейилади: «Бутун масъулият ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолиш учун Испанияни сира иккиланмай америкаликларга топшириб қўйган ҳукумат зиммасига тушади. Биз ҳукуматдан АҚШ билан тузилган ҳарбий шартномалардан дарҳол воз кечишни талаб қилишимиз, талаб қилибгина қолмай, ўз ҳаракатларимиз билан ана шундай қилишга ҳукуматни мажбур этишимиз керак».

Мадридда коммунистлар мурожаатидан сўнг христиан ёшлар манифести пайдо бўлди. Бу манифестда Пиреней ярим оролида Америка атом мустамлакачилиги фош қилинади ва Испанияда америкаликларга база учун жой бериб қўйиш тўғрисидаги шартноманинг бекор этилиши талаб қилинади. Испаниядаги воқеа ер юзидаги барча соф виждонли кишиларга «Хушёр бўлинг!» дегандек эшитилмоқда. Халқларнинг ҳаётий манфаатлари Американинг ядро авантюризмига чек қўйишини талаб қилмоқда.

Е. БЛОК.

ҲАМ ДАМ ОЛАСИЗ, ҲАМ ШИФОЛАНАСИЗ

Яқинда Ўзбекистон ССР давлат лойиҳалаш институтининг ижодий коллективи янги даволаш санаторийси лойиҳасини тузиб чиқди.

Фарғона водийсида барпо этиладиган «Чимён» шифобахш санаторийси Олтой ва Катрантоғ, Қурама тоғлари районида барпо этилади.

Кўпгина мутахассислар, айниқса медицина ходимларининг кузатишларига қараганда, бу жойда топилган ер ости суви юрак томирлари системаси, гинекология, тери, нерв касалликларига яхши даводир.

Санаторий лойиҳасини архитекторлардан Н. Гажибеков ва Э. Гусарова, конструктор А. Браславский ҳамда Л. Урман ўртоқлар чизган. Бу муассаса жамоат корпусидан иборат бўлиб, ҳар бир корпус 250 кишига мўлжалланган.

Санаторий биноси лойиҳасини тузишда маҳаллий шароит ва иқлим ҳисобга олинган.

Ҳар бир хонада чиройли мебеллар, ваннахона, санитария узеллари бўлади. Бир қаватли жамоат блокида даволанувчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш бўлими, қишки ва ёзги кафе, катта сув саройи, волейбол, баскетбол майдонлари, 600 ўринга мўлжалланган кутубхона, 1200 киши сиғадиган катта кенг экранли ёзги кинотеатр ва бошқа кўпгина жамоат бинолари қад кўтаради.

Санаторий яқинида медиклар шаҳарчаси қурилади.

Бу йирик шифохона қурилишида асосан янги қурилиш материаллари — йиғма темир-бетон, ойна, керамика, ёғоч плиталар, пластика ва мармардан кенг фойдаланилади.

А. РАҲИМОВ.

Суратда: «Чимён» санаторийсининг модели.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

12 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт, 9.30 — Концерт, 9.45 — «Беш йилликнинг биринчи баҳорини муносиб кутиб олайлик» (тож.), 10.10 — Равель ва Дебюсси асарлари, 10.30 — Композитор И. Акбаров асарлари, 11.10 — КПСС XXIII съезди шарафига. «Катта ўзгаришлар», 11.25 — Топишмоқли концерт, 12.30 — Таниш оҳанглар, 12.50 — «Олтин юлдуз кавалери», 13.40 — С. Прокофьев, «Уйлар», 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун, 16.15 — Ёшлар талабига мувофиқ концерт, 17.20 — Уйғур куйлари, 18.10 — Э. Калмановский қўшиқлари, 18.30 — Куйлардан куйларга, 19.20 — Озарбайжон куйлари, 20.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 20.15 — Музикали эшиттириш, 21.20 — «Ҳаёт қўшиқдек гўзал», 22.10 — Концерт, 23.10 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

12 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида 17.00 — **Куён ва кудуқ** (болалар учун мультфильм), 17.15 — **Телевизион янгиликлар.**

Рус тилида: 17.30 — **Франция йўлларида,** 18.20 — **Саёҳатчи қурбақа** (болалар учун мультфильм), 18.40 — **Телевизион янгиликлар,** 18.55 — **Реклама ва эълонлар,** 19.00 — **Ёқут кўзли билагузук** (бадиий фильм).

20.25 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.30 — Омон Мухторов. **Қатралар** (адабий театр), 21.00 — **Концерт** (Совет Шарқи эстрада усталари ижросида).

МОСКВА ТЕЛЕСТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

21.55 — **Тириклар ва ўликлар** номли бадиий фильмнинг 1-серияси, 23.30 — **Шоир Е. Долматовский шеърларига қўшиқ кечаси,** 01.00 — **М. Ульянов ижодий кечаси** (Санъат усталари циклидан).

ТОШКЕНТ ТЕЛЕСТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 — **Светлячок, Шудгордаги водопровод** (болалар учун мультфильмлар), 18.25 — **Ажойиб плёнка** (илмий-оммабоп фильм), 18.45 — **Кўз илғамас пассажир** (ҳужжатли фильм), 18.55 — Н. Некрасов. **Петербурглик судхўр.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.55 дан — **Фрунзе телестудияси кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/II да **Аида,** 13/II да кундуз **Коппелия,** кечқурун **Зулматдан зиё.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА —12/II да **Қутлуғ қон,** 13/II да кундуз **Насриддин саргузаштлари,** кечқурун **Ўғирланган умр.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/II да **Момо ер,** 13/II да кундуз **Нодира,** кечқурун **Ёшликда берган кўнгил.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Анатолий Фурманов гастроллари** (иллюзион аттракцион), **Владимир Довейко** раҳбарлигида акробатлар группаси ва бошқа номерлар. Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Биз, рус халқи (кенг форматли фильм) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

1900 йил инжиқликлари — «МИР» (кундуз ва кечқурун), «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да), НАВОИЙ номли (кеч 10-20 минутда).

Қайт, Беата! — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА», «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 3 да).

Соф севги қиссаси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва кеч 7 да), «ИСКРА» (кеч 10-20 минутда).

Майдондаги қотиллик — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кеч 7 ва 10-15 минутда), «ЧАЙКА» (кеч 7, 8 ярим ва 10 да).

Уйқудаги арслон — СОВИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

15, 16, 17, 18 февралда ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

концертлари

Концертларда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Қундуз Миркаримова, Дилором Шерова,** солистлардан **Қувондиқ Искандаров, Исҳоқ Катаев, Зокиржон Султонов, Холисхон Қодирова, Ойхон Ёқубова, Манзура Мўминова, Роҳатой Маннонова, Саида Толибохунова, Отахон Ражабов, Ўткир Холмуҳамедов,** Бутуниттифоқ театрлар фестивали лауреати **Зайтуна Тожибоева, Ғулом Тожиаълоев,** ўзбек халқ чолғу оркестри ва ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар Эстрада театри кассасида кундуз соат 2 дан ва райкассаларда соат 12 дан сотилади.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи республикамизнинг ҳамма областларида ҳаво очиқ бўлади. 11-16, жануб томонда 20 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб турса ҳам ёғингарчилик бўлмайди. 12-15 даража иссиқ бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

13 февраль кундуз соат 3 да 4-6 синф ўқувчилари учун музикали лекторий абонементи бўйича:

«РУС КЛАССИК КОМПОЗИТОРЛАРИНИНГ БАЛЕТ-ЭРТАКЛАРИ»

деган темада тўртинчи

КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЯ

Лектор — музикашунос **И. Акбаров.**

Концертда: Ўзбек давлат филармониясининг симфоник оркестри ва торли квартети қатнашади.

Абонементлардан ташқари билетлар Концерт зали кассасида ва райкассаларда сотилади.

1966 йил 24 февраль кундуз соат 1 да, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг бирлашган илмий совети мажлисида (Киров кўчаси, 22-уй- 16-аудитория)

А. Н. Мақсумов — қишлоқ хўжалик фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «Тожикистонда лалмикор деҳқончиликнинг асосий проблемалари» деган темада

МОНОГРАФИЯ ЁҚЛАЙДИ

Монография билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Киров кўчаси, 22-уй).

1966 йил 25 февраль кундуз соат 3 да, Тошкент халқ хўжалиги институти ҳузуридаги бирлашган илмий совет мажлисида (Олмазор кўчаси, 183-уй)

И. П. Петров — иқтисод фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Ўрта Осиё колхозларида меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш проблемалари» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КПСС тарихи кафедрасининг **вакант** доценти вазифасида ишлаш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати—23/II гача. Ариза ва ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес: Самарқанд шаҳар, Максим Горький бульвари, 15-уй.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ИНСТИТУТИ

устки кийимни конструкциялаш ва моделлаш ихтисоси бўйича рассомлар тайёрлайдиган

КУРСГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш 28 мартдан бошланади. Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 2-Виборг кўчаси, 5-уй, ўқув қисми (20-хона).

ТОШКЕНТДА ВА ЖОЙЛАРДА ИШЛАШ УЧУН:

капитал қурилиш бўлимининг бошлиғи, қурилиш старший инженерлари, бош механиклар, бухгалтерлар, бош бухгалтерлар, тикувчилик фабрикасининг бош инженери, резина-техника буюмлари заводининг ОТК бошлиғи, педагоглар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 12-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин. Телефон — 3-10-15.

«Узглавбит»нинг ПРОФТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

ишлаб чиқариш таълими мастерлари вазифасида ишлаш учун:

радиотехниклар, холодильник-компрессор установкалари техниклари, оптик асбоблар техниклари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-69, Қорасарой кўчаси, 272-уй (Комсомол майдони (Ҳадра)дан қатнайдиган 42, 43-автобуснинг «Профтехника билим юрти» остановкаси).

«ТАШЗАГОТПЛОДООВОЩ» САБЗАВОТ КОНТОРАСИГА

холодильник-аммиак установкалари машинистлари, электромонтёрлар, бухгалтерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-100, Стахановчилар кўчаси, 44-уй.

Бизнинг адрес ва телефонлар СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26. Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари—27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — 31226. Коммунистик тарбия — 31455. Саноат, капитал қурилиши ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалик — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стено графистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор—30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

№ Г. — 36. || Индекс 64543. || Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. || Р. 06141.